


Davlatlarimiz aynan yaxshi qo'shnichilik va o'zaro manfaatli hamkorlik tamoyillari asosida savdo-iqtisodiy, transport-kommunikatsiya, madaniy-gumanitar sohalarda, xavfsizlik va barqarorlik masalalarida o'z salohiyatini yanada samarali amalga oshira oladi.

Shavkat MIRZIYOYEV



Ma'rifat

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 декабрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Нурсултон Назарбоевни Қозоғистон Республикаси биринчи Президенти куни билан самимий табриклади.

Мулоқотда Президент Нурсултон Назарбоев раҳбарлигида Қозоғистон давлат қурилиши ва мустақил тараққиётнинг мустақам асосларини барпо этишда салмоқли натижаларга эришгани таъкидланди.

Давлат раҳбарининг ташаббуслари туфайли Қозоғистон халқро майдонда эътирофга сазовор бўлди,

жаҳон ҳамжамиятининг обрўли аъсосига, барқарор ва тараққий этаётган давлатга айланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини ҳам муҳокама қилди. Яқинида этаётган йилда мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатлари салмоқли даражада кенгайгани таъкидланди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада

ўсди, қўшма савдо уйлари ва замонавий корхоналар ташкил этилди, минтақалараро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро ишонч, ҳурмат ва томонлар манфаатларини ҳисобга олиш асосидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлашни билдирдилар.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, халқро аҳамиятта молик алоҳида масалалар ҳамда янги 2018 йилга мўлжалланган икки ва кўп томонлама ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

ЎЗА

АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 2017 йил 4 декабрь куни Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани расмий ташриф билан Тошент шаҳрига келади.

Олий даражадаги учрашувларда Ўзбекистон ва Афғонистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш, асосий халқро муаммолар ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Музокаралар якунида давлат раҳбарла-

рининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, фан-таълим ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлашга қаратилган қатор ҳуқуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, шунингдек, тижорат шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

Афғонистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи дастуридан, шунингдек, Бухоро шаҳрини зиёрат қилиш ҳам ўрин олган. Олий мартабали меҳмон Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашади ҳамда улар ҳузурида маъруза қилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН

ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги Ф-5006-сон фармойиши билан ташкил этилган Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия томонидан ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдинини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги ишларнинг аҳоли комплекс ва чуқур ўрганилди.

Мазкур жараёнда аҳолининг кенг қатламлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, халқро ва хорижий ташкилотлар ваколатхоналари

юқори фаоллик ва дахлдорлик ҳиссини намоён қилдилар.

Ўтказилган комплекс ўрганиш, аҳоли билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқот якунлари бартараф этиш юзасидан таъсирчан чораларни тезкор кўришни талаб этувчи қатор тизимли камчиликлар ва муаммоларни аниқлаш имконини берди.

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундай шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга, жамиятдаги фаол позицияни шакллантиришга қўмаклашиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда.)

Мақсадим - ҳар йили Ўзбекистон Президенти фаолиятига бағишланган асар ёзиш

Бу галги давлат ташрифи таассуротларга бой бўлди. Ташриф якунида Жанубий Корея Миллий музейида икки давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин қучоқлашиб, бир-бирига «brother» (ака) деб мурожаат қилишди. Бундай қадрдонликни кузатган корейс халқи Ўзбекистон ва Жанубий Корея «оға-ини» давлатлар эканига амин бўлди.

Оға-иниларнинг ҳар иккиси ҳам фаровон ҳаёт кечириши керак. Кореяда қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бир ривоят бор. Унда ака-ука биргаликда экин экиб, меҳнат қилиб, ҳосил йиғиш мавсуми келганда укаси «ака-жон, сиз ҳосилдан кўпроқ олинг» деса, акаси «йўқ, ука, сен кўпроқ олишинг керак», деб ғамхўрлик кўрсатгани ҳақида ҳикоя қилинади. Худди шу каби оға-инидай бўлиб қолган икки мамлакат ҳам бир-бирига ғамхўр бўлиб, тоғуликда яхши яшаши керак, дегувчилар кўпчиликни ташкил этмоқда. Мен ҳам худди шу фикрдаман. Жанубий Корея иқтисодиёти хозирги куч-қудратга тўлган пайтда ҳуқуқатимизнинг ҳам, хусусий компанияларнинг ҳам Ўзбекистонга янада кўпроқ рағбат кўрсатишига тилакдошман.

(Давоми 5-бетда.)


8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

Бухоро шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида ёшларга Асосий қонунимиз мазмун-моҳиятини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарс ва тўғарак машғулотларида Конституцияимизнинг яратилиш тарихи, моддалари шарҳи, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамиятига оид маълумотлар билан ўқувчилар мунтазам таништириб борилади. Қонунчилигимизга оид давр суҳбатлари, викториналар, танловларда уларнинг ҳуқуқий билими янада мустақамланмоқда.

Ўқувчилар фаоллиги кузатилган навбатдаги «Ватанимиз тарихий меросини асраб-авайлаш — бизнинг муқаддас бурчимиз» мавзусидаги тадбир Конституцияимизнинг 49-моддаси шарҳига бағишланди. Тадбир доирасида ўқувчилар Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларига саёҳат қилди.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мазкур тақлифларни самарали амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Аҳоли билан ўтказилган очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот яқунлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш;

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик бўйича амалий чоралар кўриш ҳақидаги тақлифлар қабул қилинсин.

2. Куйидагилар ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шaroитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

тиббий-меҳнат экспертизаси ва ногиронлиқни белгилашнинг шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини, шу жумладан диагностика, даволаш ва реабилитациянинг замонавий услубларини қўллаган ҳолда юқори технологияли ихтисослашган тиббий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ўз вақтида ҳисобга олишнинг самарали механизмларини яратиш, ногиронлиқнинг белгилари пайдо бўлган вақтдан бошлаб уларни кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий аҳолининг таъсирчан мониторинг қилиш, уларнинг турмуш шaroитларини ҳар томонлама баҳолаш, индивидуал ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини берувчи ягона комплекс тизимини жорий этиш;

тиббий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда тўғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар ўсишнинг сабаб ва шарт-шaroитларини барвақт аниқлаш ва олдини олишни ҳам назарда тутувчи профилактика тадбирларини кенгайтириш бўйича скрининг текширувларининг самарадорлигини кўтариш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг уй-жой-маиший ва бошқа яшаш шaroитларини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий хизмат ва моддий ёрдамни кенгайтириш, уларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, шу жумладан сифатли ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектиларидан эркин фойдаланиши учун зарур шaroитлар яратиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

ногиронлиқни белгилаш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, тартиб-таомиллардан ўтишни соддалаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида давлат-хусусий ва ижтимоий шериклиқни ривожлантириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, "Муруват" ва "Саховат" интернат-уйларидан васийликка олинганларнинг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, уларнинг реабилитацияси ва ижтимоийлашуви самарадорлигини ошириш;

протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни, шу жумладан чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий стандартларини жорий қилиш;

замонавий тиббиёт ва илм-фаннинг илғор ютуқлари, диагностика, даволаш ва реабилитациянинг сифат стандартлари асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соғломлаштириш хусусиятидаги чора-тадбирларни яхшилаш, соғлом ва фаол турмуш тарзини олиб бориш маданиятини тарғиб қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги, шу жумладан ногиронлиқни белгилашнинг самарали мезонларини қўллашга қаратилган илмий тадқиқотларни фаоллаштириш.

3. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидагиларни таъминлаш чораларини кўрсин:

ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизида имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус курсларни ташкил этиш;

тегишли материалларни нашр қилишни рағбатлантириш, муҳим соҳаларда аудио китоблар яратиш ва уларни жорий этишни назарда тутган ҳолда имо-ишора тили ва Брайль алифбосини қўллаш имкониятларини кенгайтириш;

кўриш аъзолари заиф шахсларга овоз эшиттириш имконини яратиш мақсадида турли хилдаги дастурий таъминотларга давлат тилида махсус дастурлар, шу жумладан компьютер операция тизимлари яратиш, уларни ушбу шахслар ўқиётган ва ишлаётган таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда кейинчалик эркин тарқатиш, ўрнатиш, шунингдек, мазкур дастурларни яратиш учун салоҳиятли ҳомийлар топиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида ногиронлиги бўлган шахслар учун жойлаштирилган маълумотлар билан эркин танишиш ва хизматлардан фойдаланишга оид қўшимча имкониятлар жорий этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш учун жамоат транспортини пандуслар, алоҳида жойлар билан, бекатлар ва маршрутларни эшиттирувчи, электрон маълумотлар таблолари каби махсус воситалар билан жиҳозлаш, улардан эркин фойдаланишни босқичма-босқич таъминлаш бўйича жойларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси ва мослашуви самарадорлигини оширишга оид чора-тадбирларни кўриш.

5. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилмаган шаҳар йўловчи транспорти воситаларини сотиб олиш тақиқланади.

Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги "Ўзавтосаноат" АЖ ва Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан биргаликда икки ой муддатда:

автомобил транспорт воситалари ҳайдовчилари — ногиронлиги бўлган шахсларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

маҳаллий ишлаб чиқарилган енгил автомобилларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун махсус мосламалар билан қайта жиҳозлашни таъминлаш бўйича тақлифлар киритсин.

6. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квота ажратиш тартиби жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 апрелига қадар олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган

шахсларни квота асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 2018 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қайта назар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган яқна тартибдаги тадбиркорлар учун бир ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан, яқна тартибдаги тадбиркор томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун — бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдоридан қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа ваколатли идораларнинг фаолиятини қуйидагиларга қаратилган тақлифлар билан бирга қайта кўриб чиқишни таъминласин:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурда кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ахтиёржаманд тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан уларни тўлиқ ва комплекс кузатган ҳолда кўрсатилаётган хизматларни мувофиқлаштиришга маъсул бўлган ихтисослаштирилган идора ташкил этиш;

ихтисослаштирилган идора негизда ногиронлиқни белгилашни тўлиқ қамраб олувчи ягона тизимни ташкил этиш;

тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган шахсларнинг ногиронлиқ мувофиқлигини текшириш тартибини жорий этиш;

амалга оширилаётган ислохотлар талабларига жавоб бермайдиган самарасиз тузилмаларни тугатиб, тегишли штат бирикларини янги ташкил этилаётган ихтисослаштирилган идорага ўтказиш.

9. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳолини яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам ва реабилитация сифатини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурда Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Жамғармани, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган жарималардан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобига шакллантиришни назарда тутган ҳолда, унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 2-dekabr, № 96 (9057)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

10. 2018 йил 1 июндан бошлаб, ногиронлиги бўлган шахслар, тайинланган пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва берилган имтиёзлар тўғрисидаги комплекс маълумотларни ўз ичига олган, шунингдек, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни тезкор олиш, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашинувини амалга ошириш, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланиши ва суистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестридан фойдаланиш амалиётга татбиқ этилсин.

11. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги, бошқа манфаатдор идоралар объектлар лойиҳалаштирилиши ва қурилишида архитектура-қурилиш назоратини кучайтириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг улардан эркин фойдаланишини таъминлаш талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Куйидагиларга:

барча даражадаги давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари корхоналари билан товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб беришга оид шартномалар ту-

зиш амалиётини кенгайтиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига эфирга узатилаётган янгиликлар, телекўрсатувлар ва видеофильмларнинг субтитр ёки сурдо таржима билан олиб борилишини ташкил этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборот олиш имкониятини ошириш ва бўш вақти мароқли ўтишини таъминлаш учун махсус ҳарфи нашрларни кенгайтириш тавсия қилинсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар ногиронлики белгиланган тартибини тубдан такомиллаштириш буйича, биринчи навбатда, куйидагиларга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин:

ногиронлики белгиланган механизмларини ва унинг муддатларини, шу жумладан ҳужжатларни улардаги муҳим ҳолатларнинг мазмунини мажбурий равишда асослаб ва тушунтириб расмийлаштириш тартибини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ногиронлики белгиланган тизимга яққол белгилари бўлган арз қилувчини ногиронлик белгиланганга қадар қўллаб-қувватлаш механизмини жорий этиш, бунда унинг ушбу ҳолат мавжудлигини исботлаш мажбуриятини бекор қилиш;

коррупцияга сабаб бўладиган омилларни истисно этган ҳолда, зарур тартиб-таомиллардан ўтишнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъ-

минлаш, тартибини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш; ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган, шу жумладан автотранспорт воситаларини бошқариш имконияти ҳақидаги маълумотларнинг тиббий хулосаларга киритилишини таъминлаш;

айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус даволанишдан ўтмасдан, шу жумладан тиббий текширув ўтказмасдан аниқланиши мумкин бўлган ногиронлик тифалари учун стационар даволанишда мажбурий бўлишни бекор қилишни назарда тутган ҳолда, ногиронлики белгиланиши аниқлаштириш ҳамда ҳужжатларни топшириш имкониятини кенгайтириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар:

ногиронлики белгиланган тартибини тубдан такомиллаштириш буйича, биринчи навбатда, куйидагиларга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин:

айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларни, шу жумладан оғир руҳий касалликка чалинганларни парвариш қилувчи шахсларнинг пенсияга чиқиши ва нафақа олиши, шунингдек, алоҳида тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг имтиёзли пенсияга чиқиши имкониятини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда ногиронлики белгиланган мезонлари ва ногиронлик пенсиялари, нафақалари тўлаш тартибининг

қайта кўриб чиқилишини таъминлаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар буйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларининг хориждаги етакчи ишлаб чиқарувчиларини аниқласин, кейинчалик ушбу соҳага, шу жумладан фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилишга қўмаклашиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда республикада янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш қисми буйича музокаралар ўтказсин.

15. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари мазкур Фармоннинг, шу жумладан Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 1 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига шарҳ

Мамлакатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳаёт сифатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш, уларга таълим олиш ва ишга жойлашда ҳар томонлама қўмаклашиш чоралари кўрилмоқда. Давлат томонидан халқимизга хос бўлган меҳр-шафқат ҳамда эзгулик туйғуларини ҳисобга олган ҳолда ногиронларнинг муҳим эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1992 йилда БМТ томонидан ногиронларга оид долзарб масалаларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, шунингдек, уларни ижтимоий ҳаётга ва ривожланиш жараёнларига мослаштириш мақсадида 3 декабрь

— Халқаро ногиронлар кунидеб эълон қилинди.

Бугунги кунда дунёда тахминан бир миллиард, жумладан Ўзбекистонда 600 мингдан ортиқ ногиронлар ҳаёт кечирмоқда. Кўпчилик ногиронлар кундалик турмушда турли қийинчиликларга дуч келиб, бу уларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Давлат раҳбари томонидан 2017 йил 1 августда қабул қилинган фармойиш билан Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёр-

лаш буйича комиссия тузилди.

Комиссия томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди, жумладан: мазкур соҳада амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси, шунингдек, давлат органларининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Текширишлар якуини буйича прокуратура органлари томонидан 400 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 700 га яқин шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 700 дан ортиқ шахс протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминланди; шахар ва транспорт инфратузилмасида ногиронлар учун қулайлик яратилганлиги ҳолати ўрганилди

(жумладан, 64 598 та давлат органи объектларидан фақат 23 901 тасига ногиронларнинг кириш имконияти яратилган ва пандуслар мавжуд);

Интернет тармоғида ташкил этилган ижтимоий сўровлар давомида 500 дан ортиқ фуқародан таклифлар келиб тўшди;

124 та давлат органи ва ташкилотнинг сайтлари ўрганилди, улардан 83 тасида ногиронларнинг ахборот олиши учун махсус имкониятлар мавжуд эмас;

ногиронларнинг яшаш муҳити имкониятлари, таълим олиши ва бандлигини таъминлаш, уларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб

чиқарилиши масалалари буйича Германия, Франция ва Швейцария давлатларининг тажрибаси бевосита ўрганилиб, таклифлар тайёрлашда инobatга олинди.

Ногиронларга қулай ҳаётни таъминлаш учун қўшимча шароитлар яратишни, шунингдек, бир қатор янгиликларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши олиб борилган ишларнинг мантикий якуни бўлди.

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا шарҳ

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Инсонларнинг ногиронларга нисбатан муносабатини ўзгартириш, атрофдаги ларни уларнинг жамиятда тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки ҳақида хабардор қилиш ногиронларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ўта муҳим ва биринчи навбатдаги қадам ҳисобланади. Ушбу мақсадда "ногирон" тушунчаси муомаладан чиқарилмоқда ва у энг аввало, инсон эканлигини ҳисобга олган ҳолда умумэтироф этилган "ногиронлиги бўлган шахс" атамаси киритилмоқда.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик кўриш бўйича амалий чора-тадбирлар ташкил этилмоқда. "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Фармон билан 51 банддан иборат чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Жумладан, тасдиқланган Дастур қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутди: ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш;

ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни реабилитация қилиш самарадорлигини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, уларни махсус касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ногиронлиги

бўлган шахсларни ишга жойлаштиришни таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва мақбул муҳитни таъминлаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш.

Кўзи охиж ногиронлиги бўлган шахслар саводхонлигини ошириш имкониятининг паст даражада эканлиги уларнинг ижтимоий ҳаётда иштироки ва воқеалардан хабардор бўлишини тўлиқ чеклайдиган ўта муҳим муаммолардан бири бўлиб қолган. Шу муносабат билан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизда Брайль алифбосини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этишга оид чора-тадбирлар кўрилади.

Бундан ташқари, овоз орқали бошқариш мақсадида компьютер операцион тизимлари учун махсус дастурлар яратилади, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча имкониятлар жорий этилади.

Сир эмаски, шахар йўловчи транспортларининг махсус ускуналар билан жиҳозланмаганлиги ногиронлиги бўлган шахслар учун иш жойи ва бошқа муассасаларга етиб боришда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, светофорлар ва пиёдалар йўлакчалари қўшимча товуш ёрдамида бошқариш ускуналарига эга эмас.

Бунинг учун ногиронлиги бўлган шахсларга шахар йўловчи транспортини мазкур мақсадларга мослаштириш, бекат ва йўналишларни овоз ёрдамида эълон қилиш орқали қулайликлар яратилади.

Шу билан бир қаторда, 2018 йил 1 мартдан ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилмаган шахар

йўловчи транспорти воситаларини сотиб олиш тақиқланмоқда. Бу ногиронлиги бўлган шахсларга автобус ва бошқа шахар йўловчи транспорт турларидан фойдаланишни жиҳдий тарзда енгилаштиради.

Ҳозирги кунга қадар миллий энгил автомобиллар фақат соғлом инсонлар учун мослаштирилган бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар эса махсус бошқарув имконияти мавжуд эмаслиги сабабли бундай автомобилларга эга бўла олмас эди. Келгусида ишлаб чиқариладиган миллий энгил автомобиллар ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилган ҳолда махсус ускуналар билан қайта жиҳозланади.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари – ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш учун тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида иштирокининг муҳим омилларидан бири уларнинг умумий саводхонлиги ҳисобланади. Бироқ, қатор сабабларга кўра, ногиронлиги бўлган шахслар олий таълим муассасаларида ўқиш учун комплекс имкониятга эга бўлмаган.

Ушбу мақсадда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига аби-туриентлар қабулининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квоталар киритилмоқда. Мазкур квоталар бўйича фақатгина ногиронлиги бўлган шахслар таълим олади, бу уларнинг олий маълумотга эга бўлишини таъминлаб, жамиятга мослашиш имкониятларини кенгайтиради.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш ҳам уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишни кенг рағбатлантириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзи томонидан тадбиркорлик билан шуғулланишга шароит яратиш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ҳодим сифатида ёллаган яқка тартибдаги тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқнинг имтиёзли ставкаси белгиланмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжман донимларини ижтимоий ҳимоя қилишга масъул бўлган ягона идоранинг мавжуд эътиборига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ихтисослаштирилган идора ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда нафақат давлат, балки оддий фуқароларнинг иштироки ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари ногиронлиги бўлган шахслар аҳолини яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ишлатилади. Ногиронлиги бўлган шахслар муаммоларига бефарқ бўлмаган фуқаролар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ҳомийлик хайриялари ҳам жамғарма манбалари бўлади.

2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида комплекс маълумотларни (ногиронлиги бўлган шахсларга оид шахсий маълумотлар, пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқалар) ўз ичига олган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестри жорий этилмоқда, бу даволаш ва реабилитация ишларини самарали ташкил этишни таъминлайди.

Қайд этиш лозимки, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришнинг маънан эскирганлиги ҳамда ушбу воситаларни ишлаб чиқаришга оид қўллаб-қувватлаш стандартларининг мавжуд эмаслиги фуқароларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқариш соҳасига, жумладан фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилишга қўмаклашиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда республикада янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали чет эл инвестициялари жалб қилинади. Шунингдек, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришга давлат стандартлари жорий этилади.

Қабул қилинган Фармон ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, қулай ва мақбул муҳитни таъминлаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник жиҳозланишини яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллиги oldidan

Конституциянинг янги нашри

1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодийни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бош қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликла-

ри, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳабб қўйилган тамойил ва қоидалар негизда миллий қонунийлик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаолигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамияти-

мизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

Ўтган даврда қабул қилинган 400 дан ортик қонун ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши Асосий қонунимизга бўлган юксак эътибор намунаси бўлиши билан бирга, уни янада пухта ўрганиш, тарғиб



этишга оид ишларни янги босқичга кўтариш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Ўзбекистон" нашриёти томонидан янгидан нашрдан чиқарилгани Бош қомусимизнинг 25 йиллик айёмига муносиб тўхта бўлди. Конституциянинг янги нашрида сўнгги йилларда Асосий қонунимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ўз ифодасини топган.

Китоб ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида қўп минг нусхада чоп этилди.

2017-yil 2-dekabr, № 96 (9057)

Мақсадим — ҳар йили Ўзбекистон Президенти фаолиятига бағишланган асар ёзиш

(Давоми. Боши 1-бетда.)
Президент Шавкат Мирзиёев жаноблари ҳақидаги асар муаллифи эканидан жуда фахрланаман. Жаноб Президент ва у кишининг рафиқаси ҳақида бутун корейс халқи ихобий фикрда экани боис каминага ҳам ҳар томондан мактовлар ёғилмоқда. АҚШда яшайдиган бир дўстим китобни кўриб, Америкадаги ватандошларимиз ҳам Президент Шавкат Мирзиёев жанобларини самимий сўзлар билан тилга олишини айтди. Ўзбекистон раҳбарининг сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи ҳамда Жанубий Кореяга давлат ташрифидан сўнг у кишига бўлган ҳурмат ва эътибор янада ошди, дейди танишим.

Бу каби ихобий фикрларни Хитойнинг Шанхай шаҳрида таълим олаётган ўғлимдан ҳам кўп эшитдим. Президент Шавкат Мирзиёев жаноблари сабаб нафақат Ўзбекистонлик талабалар, балки бутун Марказий Осиёдан келиб ўқийётган ёшлар билан ҳам яқин дўст бўлиб қолдик, дейди у. Германиялик профессор хубе (корейс тилида ўзидан кичикка шундай мурожаат қилинади) дўстим дунё сийбаст майдонига кириб келган буюк етакчи ҳақида китоб ёзган сонбе (корейс тилида ўзидан каттага шундай мурожаат қилинади) дўстим билан фахрланиб кетяпман, деганида асар муаллифи сифатида қувончим ичимга сиғмади.

Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларим

Китобимнинг кириш қисмида шундай сўзлар бор: «Исом Каримов мачити ёнидаги автобус бекатидан ҳаракатланадиган 93-автобус Тошкент темир йўл вокзалигача қатнайди. 22-автобус эса Жанубий корейликларнинг Ўзбекистондаги уюшмаси олдидан айланади Тошкент темир йўл вокзалига боради. 93-автобус катта автомобиль йўлидан ҳаракатланса, 22-автобусни биздаги маил автобуси (Кореянинг аҳоли зич жойлашган ҳудудлари бўйлаб ҳаракатланадиган кичик ҳажмли автобуслар) деб тушуна бўлади. Тошкентда яшаган кезларим тез-тез шаҳар автобусларида

катнадим. Биринчидан, ўзим яшаётган заминнинг одами бўлишни хоҳлардим. Иккинчидан, маҳаллий аҳолининг қўндалик ҳаёти билан танишиш мен учун жуда қизиқарли эди. Ва ниҳоят, учинчи сабаб — автобусда менга жой бўшатиб беришганда гоят мамнун бўлиб кетардим.

40 ёшимда сочим оқарган. Шунинг «шарофати» биланми, ҳақиқий ёшимдан ўн-ўн икки ёшга улугроқ кўринаман. Жой бўшатиб беришганда эътиросиз қабул қилганим менинг томонимдан бироз андишасизлик, албатта. Аммо завқи бошқача эди-да. Қачонлардир йўқотиб қўйган бир бўлагим шу ерда эди. Буни билган одамгина тушунади. Ёшлик йилларида сайрда тушган суратингизга анча вақт ўтгандан кейин қараганингизда туядиган, қалбингизнинг ич-ичига етиб борадиган шодлик.

Катталарга ҳурмат бу халқнинг қон-қонига сингиб кетган. Болажонлиги ҳам шундай. Чақалогини қўлига кўтариб автобусга чиққан аёлга ёши саксонга бориб қолган чол ҳам жой беради. Қўлингизда харид халталари бўлса, ўтирган одамларнинг бири қўлингиздан олади. Ҳатто ўқувчи қизалоқларнинг кичкина китоб сумкалари ҳам эътибордан четда қолмайди.

Автобус ойнасидан эрта куз кўёши кўзни қамаштирмоқда. Кўёш нурлари остида зангорланиб сердароҳт кўчалар кўринади. Дарахлар атрофида кўчани супуриб-сидираётган одамлар. Шу пайт бир ватандошимизнинг Ўзбекистонга саёҳати ҳақида ўз интернет саҳифасида қолдирган саёз бир гапи эсимга тушиб, кайфиятим бузилади: «У ерда энг кўп учратган икки гурӯҳ одамларимдан бири кўчаларни саришталаётган одамлар бўлса, иккинчиси милиция ходимлари эди.

Озодалик ва тозалик бу инсонларнинг ҳаёт тарзига айланган. Бўш вақти бўлди дегунча уйининг атрофини, кўчани супуради, озода қилади. Кўзга тушадиган бирор-бир губор йўқ».

Китобни ёзишда яқиндан ёрдам кўрсатган Ўзбекистон аҳли

«Мен корейлик ёзувчиман, Президент Шавкат Мирзиёев

жаноблари ноябрь ойида ватанимизга давлат ташрифи билан бориши режалаштирилган, бу инсон ҳақида китоб ёзмоқчиман», деганимда жуда кўп инсонлар менга яқиндан ёрдам берди. Улар билан қилган сўхбатларимнинг аксарияти китобга кирган. Улар Президент жанобларининг мамлакатни ислоҳ қилиш сийбастини самимий баҳолаб, Ўзбекистон тез орада жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига киришига ишонмадиган, ифтихор билан тўлиб-тошаётган инсонлар эди.

Яна бир миннатдорлигимни билдирмоқчи бўлган инсон «Uz Kor Esonopu» газетасининг Тошкентдаги ходими Нодира Азизовадир. Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда корейс филологиясини ўрганиб, мазкур олий ўқув юртининг иқтисодиёт йўналишида тахсил олган Нодира ТОПИК (Корейс тили даражасини аниқловчи халқаро имтиҳон) имтиҳонидан энг юқори б-даражага эга мутахассисдир. У интервью олишга, кўплаб материалларни ўзбек ва рус тилларидан таржима қилишга катта ёрдам берди.

Келгуси режаларим

Олдимга қўйган иккита катта мақсадим бор. Шундан бири ҳар йили Президент Шавкат Мирзиёев жанобларининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятига бағишланган асар нашр этиб бориш. Бу инсоннинг серқирра фаолиятини қанча тахлил қилсанг кам. Китобимнинг Қирғизистон билан чегара муаммосининг ҳал этилишига бағишланган қисмида 2017 йил жаҳондаги тинчликка ҳисса қўшгани учун Нобель мукофотининг ҳақиқий соvrиндорлари сифатида Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларини тушунишимни алоҳида таъкидлаб ўтганман. Шунингдек, Шавкат Мирзиёев Қирғизистон билан чегара муаммосини ҳал этиш баробарида Тошкент ва Душанбе шаҳарларини боғлайдиган ҳаво йўлини қайта йўлга қўйган, Туркменистон билан ҳамкорликни янги босқичга кўтарган инсондир. Менинг фикримча, айнан шундай инсон халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофи ва жаҳондаги тинчлик-



ка қўшган ҳиссаси учун Нобель мукофоти соvrиндори бўлишга муносиб. Шу боис, Президент жанобларининг фаолиятига бағишланган тақлилий асарларни ҳар йили нашр этиб, эришилаётган ютуқларни халқаро ҳамжамиятга кенг ёйишдек улкан мақсадим бор. Айниқса, давлат ташрифидан сўнг Европа давлатлари, АҚШ ва Хитойдан бу инсон ҳақида ихобий фикрларни эшитишга муваффақ бўлиб, мақсадим янада қатъийлашди.

Яна бир мақсадим — икки мамлакат маданий алмашинувиغا ҳисса қўшишдир. Мен ҳам ёзувчи, ҳам журналист, ҳам ноширман. 2005—2016 йилларда кўплаб халқаро китоб кўргазмаларида муҳбир сифатида иштирок этиб, Корея ярим ороли иккига бўлиниб кетгандан буён биринчи марта 2005 йили Пхеньянда бўлиб ўтган Жанубий ва Шимолий Корея ёзувчилари кўрик-танловида муҳбирлик қилиш билан бирга, Осиё ва Африка ёзувчиларининг кенг миқёсдаги тadbирларида ҳам қатнашдим. Шунингдек, сўнгги 4 йил давомида дунёдаги китоб ва нашрларга бағишланган биринчи 24 соатлик кабель телевидениеси раҳбари сифатида ишладим. Бу фаолиятим орқали Жанубий Корея ва жаҳоннинг бир неча мамлакатни ўртасида наشريёт соҳасида ташрифи алмашинувиغا яқиндан ёрдам кўрсатиб, янги-янги наشريёт маҳсулотларини ёритиб, Жанубий Кореядаги китобхонлик маданиятини жонлантиришга ўз ҳиссамни қўшдим. Бунинг натижаси ўлароқ, 2014 йилда наشريёт соҳасини ривожлантириш борасидаги хизматларим

учун Корея Республикаси Бош вазири томонидан мукофот билан тақдирландим.

Китобда айтиб ўтганимдек, Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришганидан бир ой ўтиб, 2017 йил 12 январь куни «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди. Шунингдек, Президент жаноблари мамлакат вилоятларида ҳар ташрифи давомида кутубхона қурилиши режалаштирилган жойларга ҳам шахсан боради, «китобни яхши кўрган халқ Ватанини ҳам кадрлайди», деб таъкидлайди. Шулар қаторида ўзбек халқининг машҳур шоири Абдулла Орипов ёдгорлик мажмуасини барпо этиш тўғрисида берган кўрсатмаларидан ҳам бу инсоннинг маънавий дунёси нақадар бойлигига амин бўлдим. Нафақат иқтисодий, балки маданий-маърифий жиҳатдан ҳам қудратли давлат барпо этиш йўлида кўплаб ишларни амалга ошираётган Президент Шавкат Мирзиёев жанобларига бўлган ҳурматим китобни кадрлайдиган давлат раҳбари сифатидаги жиҳатларида янада ортиб бормоқда.

Чо Чоль ЧЁН,
Жанубий Кореяда
корейс тилида нашр
этилган
«Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев»
номли китоб муаллифи,
«Uz Kor media group»
компанияси муҳаррири.
ЎЗА

Туркменистон Президенти китобининг тақдироти бўлиб ўтди

Пойтахтимизда 30 ноябрь куни Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедовнинг «Туркменистон — Буюк ипак йўлининг юраги» номли китобининг тақдироти ўтказилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тadbирда дипломатик корпус вакиллари, олимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Шири Шириев ва бошқалар Буюк ипак йўли қадимги мамла-

катлар ўртасидаги алоқаларда муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Ушбу китоб Буюк ипак йўлининг шаклланиш тарихи, Шарқ ва Фарб ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий алоқаларнинг ривожланиши, маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларига бағишланган, Асарда савдо йўлида Марказий Осиё давлатларининг тутган ўрни, ўзаро

ишонч ва тенг шериклик асосидаги ҳамкорлик, яхши қўшничилик аънаналари ҳақида сўз боради. Китоб Туркменистон давлат наشريёти томонидан туркман, инглиз ва рус тилларида чоп этилган.

— Буюк ипак йўли нафақат савдо йўли, айни пайтда халқлар ўртасида маданий-маърифий ҳамкорлик воситаси бўлган, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси Зебо Зарипова. — Ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги тил, маънавий-маърифий қадриятлар ва урф-

одатлар ўртасидаги яқинлик ҳам фикримизга мисол бўла олади. Мазкур савдо йўлининг замонамиз талаблари доирасида қайта тикланиши мамлакатларнинг иқтисодиёт, савдо, таълим, транспорт, маданият, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларини янада жонлантириш имконини беради.

Китобда минтақамиз давлатларининг дўстона муносабатларини мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири

— Касбини чин дилдан севувчи, фидойи ўқитувчи учун ўқувчиларнинг эътирофи ҳар қандай мукофотдан қадрли, — дейди Асака шахридаги 57-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017" республика кўрик-танлови ғолиби Улуғбек Обидов. — Танловнинг якуний босқичида нотаниш синфда дарс ўтганимда бу ҳақиқатни яна бир бор ҳис этдим. Машгулотлар якунида мен учун нотаниш бўлган ўқувчилар синфхонани тарк эта туриб,

ди. Ҳар бир ўқувчининг қобилияти, иқтидори ва лаёқатига қараб индивидуал шуғулланади. Паст ўзлаштирувчи ўқувчиларни фаоллаштиришда ота-оналар ва бошқа фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда ишлайди.

— Информатика фанини ўқитиш амалий усулларни талаб қилади, — дейди муаллим. — Мисол учун, ўқувчига компьютер ва унинг қисмлари ҳақида тушунча беришда шунчаки назарий билим етарли бўлмайди. Сичқонча, клави-

лар беллашуви, фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловлардаги натижалар эътиборга олинади. Табиийки, ҳар бир мактаб ўз нуфузини ошириш учун ушбу танловларда ижобий натижа учун курашади. Шу мақсадда фанлардан энг иқтидорли ўқувчилар саралаб олинади ва улар билан фан ўқитувчилари индивидуал ишлайди. Афсуски, бу жараёнда паст ўзлаштирувчи, қоқоқ ўқувчилар билан ишлагани учун ўқитувчиға ёки мактабга балл берилмайди. Менимча, мониторинг шар-

Yilning eng yaxshi o'qituvchisi



Энг олий мукофот

"рахмат сизга, устоз", дея хайрлашишди. Шу вазиятда энг олий мукофотни олгандек бўлдим. Ҳакамлар мени кўрик-танлов ғолиби сифатида эълон қилишгандаги ҳолатимни эса сўз билан таърифлашга ожизман.

Муаллимлик Улуғбекнинг табиатида бор бўлгани учунми, билганини ён-атрофдагиларга ўргатишни хоҳлайди. Техника сир-асорларига қизиқиши туфайли бу соҳада ҳам шоғирдлари бир талай. Асли иқтисодчи бўлса-да, туғма педагогик маҳорат уни мактабга етаклади, ўғил-қизларга таълим беришга чоғлади.

Қаҳрамонимизнинг тажрибаси билан танишганимизда, ўзига хос иш услубига эгаллигига гувоҳ бўлдик. У ҳар бир дарс санъат асаридек даражасида бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Синфхонага пухта тайёргарликсиз кирмайди. Мавзу бўйича қўшимча адабиётлардан, интернет маълумотларидан фойдалана-

атура, принтер каби ускуналарнинг вазифасини амалий тушунтириш самара беради. Яъни, ўқувчи сичқончани ёки клавиатурани ушлаб, ҳис этади. Айни шу жараёнда берилган билим хотирасида мустаҳкам ўрнашади. Дарсимни ноанъанавий тарзда ташкил этишда турли методлардан фойдаланаман. Биринчиси, дифференциал ёндашув бўлиб, бунда ўқувчининг имконияти, хоҳишига қараб, топшириқ бераман. Қолаверса, фанга қизиқувчи, иқтидорли ўқувчиға мураккаброк, пассив ўқувчиға эса нисбатан енгил ва қизиқарли машқлар тавсия этаман. Иккинчи методим соддадан мураккабга томон тамойилга асосланган. Шу ўринда пассив, дарсга қизиқмайдиغان ўқувчилар билан ишлаш жараёнида туғилган айрим мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Маълумки, мактаб рейтингини аниқлашда ўқувчилар эришиш ютуқлар бош омил ҳисобланади. Бунда билим-

лариди шу жиҳат ҳам инобатга олинса, ўқитувчи синфдаги пассив ўқувчи билан кўпроқ ишлашга интилади.

Мактаб директори Барноҳон Султоновнинг таъкидлашича, Улуғбек Обидовнинг сайёҳ-харакатлари билан АКТ воситалари доимо соз ҳолатда туради. Компьютерлар интернетга уланган бўлиб, мактаб сайти яратилган.

— Улуғбек дарсларда мавзуну тушунтиришда фақат дарслик билан чекланмайди, — дейди Барноҳон Султонова. — Қўшимча манбалар ёрдамида машгулотлар қизиқарли бўлишини таъминлайди. Фанга қизиқувчи йигит-қизлар учун "Ёш билимдонлар" тўғрагини ташкил этган. Тўғарак доимо ўқувчилар билан гавжум. Иқтидорли ўқувчиларға фан сирларини ўргатиб келмоқда. Бу ўқувчиларнинг натижаларида акс этапти. Жумладан, 5 нафар ўқувчиси информатика бўйича фан олимпиадасининг республика бос-

қичида фахрли ўринларға лойиқ топилган.

Улуғбек Обидовнинг яна бир хислати унинг ижодкорлигидир. Ўқитувчи икки йил аввал "Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурси" кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлди. У яратган "Паскал дастурлаш тили асослари" видеокурси 9-синфлар учун мўлжалланган бўлиб, дарсга қатнаша олмаган ёки суст ўзлаштирган ўқувчиға мавзуну қайта ўрганишга ёрдам беради. Ушбу электрон машгулотдан нафақат компьютер, балки телевизор орқали ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд.

— Барча ўқувчи ҳам дарсда фаол иштирок этавермайди, — дейди ўқитувчи. — Қолаверса, уларнинг

ўзлаштириш даражаси, қизиқиши ҳам турлича бўлади. Ўзимға пассив ўқувчиларни қандай қилиб фаоллаштириш мумкин, деган савол бердим. Изла-нишларим бесамар кетмади. "Паскал дастурлаш тили асослари" видеодарси айнаи шу мақсадға хизмат қилди. Аҳамиятли томони, бу дастурни барча ўқувчи қўллаши мумкин. Қолаверса, бошқа фан ўқитувчилари ҳам ўз йўналишларидан келиб чиқиб шу каби дастур яратса бўлади.

Ижодкор ўқитувчининг кўп йиллик излашларини, педагогик тажрибасини "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танловида қўл келди.

Орифжон СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Ота-она ва бобо-буви

ўқитувчининг кўмакчиси бўлса, таълимда самарадорлик ортади

Кизимникиға меҳмонға бордим. Набирам Раҳимжон 6-синфда ўқийди. Ўқитувчи бўлганим учун, дарров ўқишлари билан қизиқдим. Кундалигини кўздан кечирдим. Беш ой ичида 6 тагина баҳо кўйилибди. Нега кам баҳо олганини сўрасам, «Синфда 34 ўқувчимиз, ҳаммамиздан сўрашға навбат етмайди», — деди. Эътибор берсам, синф раҳбари сентябрдан февралгача кундаликини текширмаган.

— Синф журналида ҳам баҳоларинг кам бўлса, чораклик баҳонинг қандай чиқади, — деб дафтарларини текширишға киришдим. Математика дафтари муқоваланмаган, манзил ёзилмаган. Уйға вазифа учун ҳам, синф иши учун ҳам шу битта дафтардан фойдаланибди. Дафтар текширилмаган, фан ўқитувчиси чиройли ёзув устида ишламаган. Энди хавотирим янада ортди. Ўқишини ҳам синаб кўрдим. Хайрият бу борада муаммо кузатилмади.

— Тарбиявий соатда қандай мавзулар ўтилади?

— Тарбиявий соат дарс эмаску, буви! Унда синф раҳбаримиз тартиб-интизом тўғрисида гапирди...

Бу ҳолатға бефарқ қараб туролмай мактаб директори билан учрашдим. Фахрий педагог сифатида таълим жараёни рисоладагидек олиб борилмаётганини айтдим. Дафтар ва кундалик вақтида текширилиб, баҳоланмаётгани, ўқитувчи ва ота-она ўртасида алоқа дафтари мавжуд эмаслиги, фанлардан уйға вазифа ва синф иши дафтари алоҳида тутилмагани ҳақида маълум қилдим.

Кейинги кун 1-синфда ўқийдиган невараларим — Хусния ва Дилнураларнинг кундалиги, уй вазифаларини бажарганини, дафтарларини текширдим. Хусниянинг «Алифбе» китобини ўқитувчиси олиб қўйибди. Набирам бир ойдан бери китобсиз сабоқларни

қандай ўзлаштираётганиға қизиқдим. Афсуски, у ҳарфларни яхши ўқий олмади. Эртаси куни яна мактабға бордим. Устозининг айтишича, неварам китобни яхши сақлай олмагани учун мактаб кутубхоначиси олиб қўйибди. Ундан нима учун бу ҳақда ота-онаси огоҳлан-

Хусниянинг «Алифбе» китобини ўқитувчиси олиб қўйибди. Набирам бир ойдан бери китобсиз сабоқларни қандай ўзлаштираётганиға қизиқдим. Афсуски, у ҳарфларни яхши ўқий олмади. Эртаси куни яна мактабға бордим. Устозининг айтишича, неварам китобни яхши сақлай олмагани учун мактаб кутубхоначиси олиб қўйибди.

Mulohaza

тирилмаганини сўрадим. Ахир ўқувчини бир ой китобсиз қолдириш (айниқса, савод ўргатиш даврида) ўқийи сусайишға сабаб бўлмайди? Тайинли жавоб ололмадим. Кейин кутубхоначи билан учрашдик.

— Иш услубим шунақа, ким китобини муқоваламаса олиб қўяман, — дея кескин жавоб берди.

Ушбу воқеани ёзишдан мақсадим, ўқитувчини ёки мактабни айбдор қилиш эмас. Бундай камчиликлар барча мактабларда учраши мумкин. Кўпчилик эътибор бермайди. Аслида таълимда муаммонинг катта-кичиги бўлмайди. Арзимас кўринган ҳолатлар ўқувчини билим олишдан бездириб қўяди. Шунинг учун ота-она ва бобо-бувилар фарзандларимизнинг мактабдаги ҳар кунлик натижасини назорат қилишимиз, камчиликларини ҳамкорликда барта-раф этишимиз шарт.

Гавҳар ХУДОЁРОВА

Хоразм вилояти

2017-yil 2-dekabr, № 96 (9057)

Таълимда халқаро ҳамкорлик

мамлакатимизда соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади

Шу йил 29 ноябрь — 1 декабрь кунлари Халқ таълими вазирлиси, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси хузуридаги Таълим маркази билан ҳамкорликда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида уч кунлик семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси вақт синовида ўтган ўзаро ишонч асосида кенг қўламли ҳамкорликни йўлга қўйган азалий дўст мамлакатлардир. Ўтган йиллар мобайнида икки давлат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва ижтимоий соҳаларда алоқалар янада мустаҳкамланди.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мамлакатга давлат ташрифи доирасида эришилган кўпгина битим ва келишувлар қаторида таълим сифатини янада юксалтириш мақсадида юртимизда Корея Республикасининг илгор тажрибаларини жорий этиш масаласига ҳам эътибор қаратилган эди. Мазкур семинар ана шу давлат ташрифи доирасида эришилган келишувларнинг амалдаги ифодасидир.

Семинарнинг очилиш маросимида Халқ таълими вазири Улугбек Инояттов, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси хузуридаги Таълим маркази директори Ким Бом Су ва Корея Республикаси Таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Чой Чун Ха икки давлат ўртасида йўлга қўйилган таълим соҳасидаги ҳамкорлик самаралари, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган келгусидаги режалар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Таъкидланганидек, ўтган йиллар давомида икки мамлакат ўртасида таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган катор лойиҳалар эътирофга лойиқ. Хусусан, 2006—2012 йилларда Корея Республикасининг 30 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредити ҳисобига ёзилган оширилган лойиҳа доирасида юртимиздаги 1772 та умумтаълим мактабида замонавий компьютер синфлари ташкил этилди. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида мультимедиа студияси ташкил этилиб, зарур техника жиҳозлари билан таъминланди. Халқ таълими вазирлиги портали такомиллаштирилди. 2015 йилда Халқ таълими вазирлиги ва Корея Республикасининг Таълим вазирлиги ҳамкорлигида қарий 212 минг АҚШ

доллари миқдоридagi маблағ асосида Тошкент шаҳридаги 327-умумтаълим мактабида ўқув-компьютер синфи (Smart class) ташкил этилди. Ҳар йили ўзбекистонлик умумтаълим мактабларининг информатика фани ўқитувчилари Корея Республикасида АКТ йўналишида малака ошириб келимоқда.

Бугунги тараққиёт сифатли таълим олишга эҳтиёж тобора оширмоқда. Бу, ўз навбатида, ўқитишнинг замонавий усул ва методларини татбиқ этишни тақозо этади.

Кореянинг таълим соҳасидаги илгор тажрибаларини ўрганиш ва уни юртимиз таълим тизимига жорий этиш кўзда тутилган уч кунлик семинарда Халқ таълими, Мактабгача таълим вазириликлари ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг масъул ходимлари Корея Республикаси Таълим вазирлиги мутахассислари билан илгор иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Иштирокчилар 10 та кичик гуруҳга бўлинган ҳолда корейлик ҳамкасбларидан мак-

табгача таълим муассасалари билан илгор иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Иштирокчилар 10 та кичик гуруҳга бўлинган ҳолда корейлик ҳамкасбларидан мак-

табгача таълим муассасалари билан илгор иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Иштирокчилар 10 та кичик гуруҳга бўлинган ҳолда корейлик ҳамкасбларидан мак-

табгача таълим муассасалари билан илгор иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Иштирокчилар 10 та кичик гуруҳга бўлинган ҳолда корейлик ҳамкасбларидан мак-

табгача таълим муассасалари билан илгор иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Иштирокчилар 10 та кичик гуруҳга бўлинган ҳолда корейлик ҳамкасбларидан мак-

— **Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларига қабул онлайн тизимда амалга оширилади, — дейди О Гён Ми. — Ота-оналар махсус сайт орқали МТМлар билан танишиб, фарзандини ўзи хоҳлаган муассасага навбатга қўяди. Онлайн тизимда навбатда турган боланинг исм-фамилияси сайтда кўришиб туради. Яна бир жиҳат, ота-она фарзандини бир вақтнинг ўзида бир нечта боғчага навбатга қўйиши мумкин.**

табгача, бошланғич, ўрта ва олий таълимда касб-хунарга йўналтириш, педагог-кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, АКТни амалиётда қўллаш, мультимедиа маҳсулотлари ва ўқув дастурлари яратиш, таълим сифатини мониторинг қилишнинг талаб ва мезонларини ишлаб чиқиш, баҳолаш тизимини такомиллаштириш, таълимни бошқаришни тизимли ташкил қилиш каби йўналишларда билимларини оширди.

Машғулотлар давомида модераторлар Корея Республикаси таълим тизими, у ерда ўқитувчиларга яратилган имкониятлар хусусида гапириб берди. Корея Таълим вазирлиги мактабгача таълим йўналиши мутахассиси О Гён Ми машғулотда мазкур давлатда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, соҳада-

— **Бир қарашда бошланғич синфларимиздаги фанлар сони Ўзбекистондагидан кам бўлиб кўринса-да, қўллаб ўзлаштирилиши керак бўлган босқичлар битта фанда интеграциялашган, — дейди Ким Ёнг Ок. — Масалан, она тили фанининг ўзида ўқувчи 5 босқични ўзлаштиради. Булар эшитиш ва гапириш, ўқиш, ёзиш, грамматика, орфография. Қолган фанлар ҳам шу каби босқичлар асосида мураккаблашиб боради.**

ликда иш олиб боради. Фарзандини МТМга илк бор олиб келган барча ота-онага ҳиссиётларни жиловлай билиш, энг аввало, болани уришмай, урмай, яхши гапириб тарбиялаш зарурлиги тушунтирилади.

Давлат мактабгача таълим муассасалари ўртасида рақобат кучли. Мактабгача таълим муассасасига бакалавр, магистратура даражасидаги олий маълумотга эга кадрлар жалб этилади. Тарбиячилар босқичма-босқич синовлардан ўтказилиб, кейин ишга қабул қилинади. Дастлабки талаб ҳар бир педагогнинг болага меҳр-муҳаббатли бўлишидир. Педагоглар "Иқтидорсиз бола йўқ!" шиорига амал қилиб, тарбияланувчиларнинг ақлий, жисмоний, ижодий қобилиятини ривожлантириши белгиланган.

Умумий ўрта таълим тизими ҳар бир жамиятда таълим-тарбиянинг муҳим босқичи. Корея Республикасида умумий ўрта таълим 12 йилдан иборат бўлиб, шундан 9 йили мажбурий таълим ҳисобланади. 1-6-синфни бошланғич, 7-9-синфни ўрта, 10-12-синфни юқори таълим ташкил қилади. Бошланғич таълимда дарслар 40 дақиқа, ўрта таълимда 45 дақиқа, юқори синфда 50 дақиқа давом этади. Дарслар ҳафтада 5 кун олиб борилади.

Корея Республикаси Таълим вазирлиги электрон таълим бўлими мутахассиси Ким Мин Су шундай дейди:

— Бизда электрон таълим ресурслари педагогика йўналишида илмий-тадқиқот олиб бораётган изланувчилар томонидан бой-тиб борилади. Ҳар бир тадқиқот иши давлат томонидан молиялаштирилади. Амاليёт давомида уларнинг иши ўқитувчилар томонидан таҳлил қилиниб, баҳолаб борилади. Юқори балл тўплаган тадқиқот ишларигина таълим жараёнига тўлиқ татбиқ қилинади. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг фаолиятини электрон тарзда ички ва ташқи баҳолаш тизими маъжуд. Дастлаб, ўқувчининг баҳолаши, кейин ота-она, сўнг ҳамкасби ёки мактаб маъмурияти ўқитувчи фаолиятига электрон тарзда ҳолис баҳо беради. Таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган талаблар, ДТС бажарилиши ҳам мутахассислар томонидан таҳлил қилиниб, баҳо-

ланади. Яхши натижа қайд этган педагогларга устамалар тайинланади. Агар ўқитувчининг кўрсаткичи паст бўлса, мажбурий малака оширишга жалб қилинади. Бу уларни мунтазам равишда ўз устида ишлашга, илгор методларни қўллаган ҳолда дарсларни маҳорат билан ўтишга ундайди.

— Мен 22 йил бошланғич таълим ўқитувчиси бўлиб ишладим, — дейди Корея Республикаси Таълим вазирлигининг мутахассиси Ким Ёнг Ок. — Ҳозир вазирликнинг Бошланғич таълимни ривожлантириш бошқармасида фаолият юритаман. Корея ва Ўзбекистон Республикалари давлат таълим стандартини бир-бирига таққослаганда тамойил ва мақсадлар, ҳатто тизимнинг умумий стандартлари ўхшаб кетади. Шунинг учун икки давлат ўртасидаги таълимий ҳамкорлик, фан ва касбий тараққиётга йўл очади.

Кореяда бошланғич таълим бир йил икки чоракка бўлинган ҳолда олиб борилади. 1-2-синфлар ва 3-4-синфлар учун алоҳида дастур ва ўқув режа ишлаб чиқилган. Бу босқичда жами 6 та фан ўқитилади. 5-6-синфларда фанлар сони 10 тага етади.

— Бир қарашда бошланғич синфларимиздаги фанлар сони Ўзбекистондагидан кам бўлиб кўринса-да, қўллаб ўзлаштирилиши керак бўлган босқичлар битта фанда интеграциялашган, — дейди Ким Ёнг Ок.

— Масалан, она тили фанининг ўзида ўқувчи 5 босқични ўзлаштиради. Булар эшитиш ва гапириш, ўқиш, ёзиш, грамматика, орфография. Қолган фанлар ҳам шу каби босқичлар асосида мураккаблашиб боради. Мактабдаги барча фанларни ўқитишда боланинг муаммоли вазиятлардан чиқиб кета олишига катта урғу берилди. Яъни, ўқувчи ўрганганларини ҳаётда қўллай олиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Уч кунлик машғулотлар давомида педагог-мутахассисларимиз корейлик ҳамкасбларидан таълим сифатини оширишда замонавий усуллардан кенг фойдаланиш бўйича илгор тажрибаларни ўргандилар.

Илҳом ЖУРАЕВ,
Гулзо ОРИФЖОНОВА,
Зилола МАДАТОВА,
"Ma'rifat" мухбирлари

Fikrni yozma ifodalashga o'rgatish — kompetensiyaviy ta'limning bosh talabi

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sonli qarori bilan tasdiqlangan davlat ta'lim standartlarida fanlar bo'yicha ta'lim mazmunining majburiy minimumi va yakuniy maqsadlariga, o'quv yuklamalari hajmi hamda ta'lim sifatiga qo'yiladigan talablar belgilab berilgan. Jumladan, ona tili bo'yicha A2 standart darajasi — yuqori sinflarda o'quvchida shakllantirilishi lozim bo'lgan tayanch va fanga oid umumiy kompetensiyalar quyidagilardan iborat:

- 1. Nutqiy kompetensiya (tinglab tushunish, so'zlash, o'qish, yozish):**
 - tinglangan matn, ko'rilgan lavhadagi asosiy axborot, voqea-hodisalarni tushuna oladi;
 - so'z, ibora va atama(termin)larining ma'nosini tushunib to'g'ri o'qiy oladi;
 - so'z va gaplarni bog'lagan holda fikrini aniq va ravon yozma bayon qila oladi;
 - 140–160 so'zdan iborat diktantni yozma oladi, 20–25 gapdan iborat ijodiy matn (bayon, incho) yozma oladi, bayonga reja tuza oladi, epigraf tanlay oladi;
 - matnda badiiy tasvir vositalaridan o'rinli foydalana oladi;
 - husnixat, tinish belgilari va imlo qoidalariga amal qila oladi;
 - ish qog'ozlarini (ariza, ma'lumotnoma, xat, tarjimai hol, e'lonlar) yozma oladi.

- 2. Lingvistik kompetensiya (fonetika, grafika, orfoepiya, orfografiya, leksika, grammatika va uslubiyatga oid):**
 - talaffuz va imlodagi tovush almashishi, tovush orttirilishi, tovush tushishi kabi hodisalardan o'rinli foydalana oladi;
 - o'zlashtirilgan leksik birliklarni gap tarkibida qo'llay oladi;
 - fonetik, leksik va grammatik tahlil qila oladi;
 - fikrni mantiqiy izchillikda ifodalay oladi;
 - matnda tilning ifoda vositalaridan foydalana oladi.

Ushbu kompetensiyalarning o'quvchi yozma nutqini shakllantirishdagi muhtarak jihati so'z va gaplarni bog'lagan holda fikrini aniq va ravon yozma bayon qila olishidir. Matnda badiiy tasvir vositalaridan o'rinli foydalana olish, matnda tilning ifoda vositalaridan foydalana olish — yozma nutqni shakllantirishning uyg'un shartlaridir.

Xo'sh, bugun o'quvchining yozma nutq ko'nikmasi qay darajada? Uni

malaka darajasiga ko'tarish uchun nima qilmoq lozim? Bu haqdagi o'ylarimizni «Ma'rifat» gazetasi (2008-yil 19-yanvar soni)da «O'quvchi matn yaratma oladimi?» nomli qaydlarimizda ifodalashga uringan, eng no'noq ifoda egasining ijodiy ishini tahlilga tortgan edik. O'sha qaydlardagi fikrlarimiz hali ham dolzarb desak, mubolag'a bo'lmasa. Oddiygina qilib aytsak, shu paytgacha maktab ta'limini olgan ko'pchilikning namuna bo'lmasa, arizani ham eplab yozolmasligi kabi salbiy holatlar ma'rifiy taraqqiyotning tomiriga bolta urayotgan og'riqli nuqtalarimizdan biridir.

Ijodiy yozma nutq ko'nikmasini shakllantirish bosqichma-bosqich amalga oshiriladi. Dastavval, ta'lim standartini (A1 bosqichi) talablari risoladagiday bajarilishini kuzatish maqsadga muvofiqdir. Ya'ni, o'quvchi quyidagilarni mustaqil bajara olishi lozim:

- 1. Nutqiy kompetensiya (tinglab tushunish, so'zlash, o'qish, yozish):**
 - berilgan topshiriq, sodda matnlarni tinglab tushuna oladi;
 - matn tushunib o'qiy oladi;

- og'zaki nutqda so'z va gaplar talaffuziga rioya qila oladi;
- 65–70 so'zdan iborat diktantni yozma oladi;
- xabar, tasvir asosida 5–6 gapdan iborat matn yaratma oladi, xatboshi va husnixatga amal qiladi; imlo va tinish belgilarini ishlatish qoidalariga amal qila oladi;
- do'sti, ota-onasi, ustoziga tabriknoma yoki xat yozma oladi.

- 2. Lingvistik kompetensiya (fonetika, grafika, orfoepiya, orfografiya, leksika, grammatika va uslubiyatga oid):**
 - ona tilidagi nutq tovushlarini farqlay oladi, bo'g'in ko'chirish qoidalariga amal qila oladi;
 - mavzuga oid yangi so'zlarni og'zaki va yozma nutqda qo'llay oladi;
 - yozma nutqda tinish belgilarini to'g'ri qo'llay oladi.

Yangi DTS joriy etilgani — zaruriy qadam, ammo shu paytgacha ta'limdagi haqiqiy vaziyat hech bir o'quvchining chetlab o'tmagani aniq. Yuqori sinf o'quvchilarining deyarli barchasi o'z o'quvchilarining bilimi talab darajasida

emasligi sababini boshlang'ich sinf o'quvchilari tomonidan ta'lim standarti A1 bosqichi talablarining risoladagiday bajarilmaganligida deb biladilar. Bu masalada bahsning yechimini topish uchun ichki va tashqi monitoring guruhlarining hakamlig qilishlari yetarli.

Аmmo monitoring guruhlari qayerda? Ular nima ishlar bilan mashg'ul? Ushbu savollarimizga mutasaddilardan javob kutib qolgan holda fikrimizni davom ettiramiz.

Yuqori sinf o'quvchisining boshlang'ich sinflarga dars beruvchi hamkasbidan qabul qilib olgan ayrim o'quvchilarga qarab xayolidan quyidagi fikrlar o'tayotgani sir emas: «Bo'g'in ko'chirish qoidalarini qayta o'rgatadigan, o'qish tezligini normallashtiradigan, husnixati bo'yicha mashg'ulotlar o'tkazadigan bo'lsam, do'sti, ota-onasi, ustoziga tabriknoma yoki xat yozma oldirish-ku, mayli, ismini to'g'ri yozma olishiga o'rgatadigan bo'lsam, qachon o'z ishimni qilaman».

Bu e'tiroz o'z ishini sidqidildan ado

etayotgan boshlang'ich sinf o'qituvchilariga zig'ircha bo'lsin malol kelmasligiga ishonaman. Bu ishonch poydevori ta'lim sohasida faoliyat yurituvchi ma'rifatchilarning mashaqqatli mehnatlari, fidoyiliklari asosiga qurilishini eslatib o'tmoqchiman, xolos.

Bilimlar bellashuvi va fan olimpiadalariga hakamlig tajribasi o'quvchilarning eng ilg'or qismi — ish-tirokchilarning ijodiy yozma nutq malakasi u yozda tursin, ko'nikmasi talab darajasida emasligini ko'rsatdi. Shunday ekan, o'quvchi savodxonligining uzviy bir bo'laki sifatida ijodiy matn yaratish mavzusi hech qachon eskirmaydi.

Yuqoridagi fikrlarga ilova tarzida ba'zi o'quvchilarning yozma ishlarini hukmningizga havola qilmoqchiman. Ularni mukammal darajada yozilgan deyishdan yiroqman. Ammo teng-qurlariga ijodiy turtki berish, ularni ilhomlantirishiga ishonaman.

Shodiyo TURRAYEV, Qo'shrabot tumanidagi 35-maktabning ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

«ALPOMISH»DAN OLGAN TAASSUROTULARIM



«Alpomish» dostonini ilk bor tinglaganimda 5-6 yoshlarda edim, chamasi. Biz, akalarim bilan birgalikda, bu dostonni jon qulog'imiz bilan tinglardik. Onam o'qituvchi bo'lganligi uchunmi, dostonni shunchalik qiziqarli va jonli qilib so'zladiki, bayon etilayotgan voqealarni xuddi kino tasmasida ko'rgandek ko'z oldimdan o'tkazardim.

Xalq og'zaki ijodi asrlar osha misqolab to'plangan, ne-ne sinovlarga dosh bera olgan, insoniyat uchun hamisha madad, tayanch, o'z o'rnida yupanch bo'lgan noyob, beminat xazina hisoblanadi. Unda har bir xalq, millatning fe'l-atvori, ruhiyati, urf-odat va an'analari, orzu-umidlari o'z ifodasini topadi. Aslida, bashariyat ko'ngliga yaqin tuyg'ular, dardlargina inson qalbinu titrata olgani, hayajonga sola bilgani, to'qinlantirgani uchungina sevimli, ardoqlikdir.

«Alpomish» dostonining qadr-qimmatini, suyumligini

ham uning ayan inson ko'nglidagi tuyg'ular, orzu-umidlar, dardlarini xalqchil yorita olgani tufaylidir. Dostonidagi o'zbek millatini osmon qadar yuksaltirgan, dunyolarga ko'z-ko'z qilgan fazilatlar: or-nomus, so'zga egalik, bag'rikenglik, bolajonlik, do'stga sadoqat, vafodorlik tarannumi uni qayta-qayta o'qishga undayveradi. Asrlar osha dostonning

*Qadim yurtga qaytsin qadim navolarim,
Qumlar bosib qurimasin daryolarim,
Alpomishga alla aytgan momolarim
Ruhini shod etay desang, xalq bo'l elim.
Muhammad Yusuf*

insoniyat bilan yelkama-yelka yashab kelayotganligining siri ham shunda!

Alpomish — mardlik, dovyuraklik, metin iroda, or-nomus, kuch-g'ayrat va shijoat timsoli sifatida xalqimiz orasida asrlar osha tillardan dillarga muhrianib kelayotgan haqiqiy qahramon.

Xalqimizda «Sulton suyagini xorlatmas» degan naql bor. Alpomish ham shu maqoldan chekinmay o'z «suyagi» bo'lmish qon-qarindoshlari — jigarlari ori uchun kurashgan mehribon, jonkuyar mardona yigit!

Barchinoy — go'zallik timsoli. U o'zida barcha yetuk insoniy fazilatlarini jo qilgan malak. Ota-onasi, yor-birodarlari uchun har narsaga tayyor qiz. Hammaga barobar bo'lmog'lik uchun sinovlar o'ylab topgan, suyuksisi uchun Tangridan madad so'rab duo qilgan, o'zbek qizlariga xos

vafodorlikni ko'rsatgan jonkuyar qiz timsolidir. Unga atab qanchadan-qancha she'rlar yozilgan. Har bir qiz Barchinoydek bo'lmog'likni orzu qiladi. Har tomonlama yetuk Barchinoy dillarda abadiy qoladi. Dostonida bayon etilganidek, Barchinoy bolaligidan Alpomishga «beshikkerti» qilingan qiz. Bu marosim (udum) garchi millatimizga xos bir qadriyat hisoblansa-da, tanganing ikki tomoniga o'xshab, turli xil mulohazalarga sabab bo'ladi. Alpomish yuqoridagi qadriyatlar davomchisi sifatida o'z yori — Barchinoyning o'zga yurtda, begonalar qo'lida xor-u zor bo'lmisligi uchun o'z jonini ayamaydi.

Xalqimizning bag'rikengligi, mehmondo'stligi, qo'li ochiqligi, imoni butligi yetti yoshdagi Hakimbekning fikrlashida, dunyoqarashida mohirona tasvirlangan. Ota va o'g'ilning subhati natijasi o'laroq doston voqealarining avj nuqtasi, rivoji boshlanib ketadi.

Aka-ukachilik, jigarchilik, oilaparvarlik bugunga qadar e'zozlanayotgan milliy qadriyatdir. Dostonida esa kibrga, manmanlikka berilgan aka-ukalar timsolini ko'ramiz. Bu ziddiyat doston nihoyasida, baribir, yaxshilik bilan yechim topadi.

O'zbek xalqi an'ana va qadriyatlari ayan «Alpomish»da to'liq aks ettirilgan. Yoshlarni ma'naviy jihatdan oziqlantiruvchi mazkur doston milliy qadriyatlarimiz kuychisidir. Uning dilbar qahramonlarining fazilatlarini qo'lga qalam tutishga undaydi:

**Pahlavonlar, yurt maydonga yo'llasin sizni,
Alpomishlar ruhi doim qo'llasin sizni.
Ey go'zallar, o'zbekona ibo va hayo
Hamqadami bo'lsin mudom har bitta qizning.
Barchinoyning chin sevgisi va sadoqati
Qo'shiq bo'lib, tark etmasin yuragingizni.**

**E'zoza NAMOZOVA,
Qo'shrabot tumanidagi
35-maktabning 9-sinf o'quvchisi**



BIRNI KESSANG, O'NNI EK

*Daraxt ekish — savob.
(Bobomning gap)*

Bizning qishlog'imiz eng go'zal qishloqlardan! Daraxtlari ko'p. Ariq bo'yidagi teraklar qishlog'imiz ko'rkiga ko'rk qo'shib turibdi. Barglarining mayin shivirlashimi yoki osudaligimi yoqadi. Daraxtlarni qo'llari bilan osmonni ko'tarib turgan pahlavonlarga o'xshataman. Qishlog'imizda yoshi ulug' «kekka» chinorlar bor. Qariyalar bu daraxtlar avvaldan mavjudligini ta'kidlashadi. Bobomning aytishicha, bir inson daraxtlardan biriga o'tin uchun bolta uribdi, uning tagidan yosh nihollar o'sib chiqqan ekan, bargi uchun kesibdi. Buni ko'rgan kekka bir ayol nihollar «qotili»ga: «Onasini o'tin qilding, bolasini yem qilding», — debdi.

«Qotil» chuqur o'g'a botibdi. Uyiga kelisa, na halovat bor, yeganida na ta'm, yotganida na tinchi bor emish. Faqat qari kamping gapi qulog'ida jaranglar ekan: «Onasini o'tin qilding, bolasini yem qilding». Tongotarga yaqin uyidan chiqib,

bozordan yangi ko'chatlar olib chinorlar yonida bog' qilibdi va mevasini har yili beva-bechoralarga tarqatibdi. Shu daraxtlar unga obro' keltiribdi. Odamlar: «Yaxshidan bog', yomondan dog' qolur», — deb aytishganida o'zi barpo qilgan bog'ni eslab kampingdashnomini bir zumga bo'lsa-da, unutarkan.

Menimcha, daraxtlarni e'zozlash, shoxlarini sindirmaslik, bekordan bekorga chopmaslik kerak. Undan ko'ra bog' yaratib, hammaga foyda keltiraylik.

**Jonibek G'AFUROV,
Qo'shrabot tumanidagi 35-
maktab o'quvchisi**

**Болани мутолаага рағбат-
лантириш, китобга меҳрини**



Sinab ko'ring

ошириш ҳақида кўп гапирялмиз. Айниқса, ўқитувчи зиммасига бу борада талай вазифалар кўйилди. Китобхонлик соатларини мазмунли, самарали ташкил этишда ҳар қайси педагог ўз услубини яратмагунича кутилган натижага эришолмаслигини вақт исботламоқда.

Синфхонадан кутубхонагача

Тажрибамда бир неча усуллари такрор-такрор қўллаб, бошлангич синф ўқувчиси учун кўрсатиш орқали мавзуну тушунтириш кулайлигини сездим. Китоб ўқитишда ҳам кўпроқ рангли расмлар, видео ва аудио матнлар, аудиовизуал ўйинлар, «Болалар адабиёти» журналининг аудио дискларига суянаман. Бунда ўқувчилар эртакни ўқибгина қолмай, унинг образли овози, диалог, монологларини тинглайдилар ҳам. Шу тариқа бола воқеалар ривожини муфассал ёдда сақлайди, бора-бора нутқини бойитишда ҳам эртак қаҳрамонларининг гап-сўзларига бевосита мурожаат этади.

Яқинда 2-синф ўқувчилари учун «Болалар адабиёти» журналидаги «Хўроз, тулки ва кўён» эртагини синнов тарзида танладим. Аввал эртани ўзим ўқиб бердим. Сўнг қисқа савол-жавоб ўтказдим (Эртани сизга ёқдими? Эртани нима ҳақида экан? Эртани қаҳрамонлари кимлар экан? Эртани қаҳрамонларидан (хўроз, тулки ва кўён) қайси бири сизга ёқди?). Саволларга саккиз-ўн ўқувчигина тўғри жавоб қайтарди.

Сўнг эртани видео шаклида кўрсатдим. Воқеалар тасвирини кўриб, илгари жавоб беришга қийналган болалар тезроқ, осонроқ жавоб беришга ўтди. Ўқувчилар юз-кўздан эртани яхшироқ тушунганини англаш мумкин эди.

Кейинги босқичда ўқувчиларга мантиқий саволларни (Айтинг-чи, хўроз тўғри иш қилдими? Сиз хўрознинг ўрнида бўлганингизда нима қилган бўлар эдингиз? Тулки билан кўён-чи?) бердим. Шунда етти-саккиз ўқувчи «Мен ҳам пиширган номини бермаган бўлардим» деб жавоб қайтарди. Уларга қарши бешолти нафари эса «Йўқ, мен номини уларга берардим. Улар уялганларидан кейинги сафар ёрдам берар эдилар» деди. Икки қарама-қарши фикрнинг қай бири яхши, қай бири номаъқуллигини болаларнинг ўзлари билан муҳокама қилиб, хатоларни тўғрилади.

Тўртинчи босқичда эртани қаҳрамонларининг расмини чиқиш топширигини бердим. Айрим ўқувчилар қаҳрамонларни ижобий кайфиятда чиизган бўлсалар, айримлари салбий бўёқларда акс эттиришибди. Расм чиқиш топширигидан сўнг ўқувчилардан хўроз, тулки, кўён ҳақида яна қандай эртакларни билишлари ҳақида сўрадим. Улар ўзлари билган мультфильм ва эртак-

лардан мисоллар айтишди. Мавзуну муштахкамлаш чоғи ўқувчиларга уйга вазифа қилиб ўзлари ёқтирган эртани қаҳрамонлари ҳақида расмлар, маълумотлар олиб келишларини айтдим.

3-синф ўқувчилари учун мавзуга бошқача ёндашишга тўғри келанининг аудио дискларига суянаман. Бунда ўқувчилар эртакни ўқибгина қолмай, унинг образли овози, диалог, монологларини тинглайдилар ҳам. Шу тариқа бола воқеалар ривожини муфассал ёдда сақлайди, бора-бора нутқини бойитишда ҳам эртани қаҳрамонларининг гап-сўзларига бевосита мурожаат этади.

Яқинда 2-синф ўқувчилари учун «Болалар адабиёти» журналидаги «Хўроз, тулки ва кўён» эртагини синнов тарзида танладим. Аввал эртани ўзим ўқиб бердим. Сўнг қисқа савол-жавоб ўтказдим (Эртани сизга ёқдими? Эртани нима ҳақида экан? Эртани қаҳрамонлари кимлар экан? Эртани қаҳрамонларидан (хўроз, тулки ва кўён) қайси бири сизга ёқди?). Саволларга саккиз-ўн ўқувчигина тўғри жавоб қайтарди.

Сўнг эртани видео шаклида кўрсатдим. Воқеалар тасвирини кўриб, илгари жавоб беришга қийналган болалар тезроқ, осонроқ жавоб беришга ўтди. Ўқувчилар юз-кўздан эртани яхшироқ тушунганини англаш мумкин эди.

Кейинги босқичда ўқувчиларга мантиқий саволларни (Айтинг-чи, хўроз тўғри иш қилдими? Сиз хўрознинг ўрнида бўлганингизда нима қилган бўлар эдингиз? Тулки билан кўён-чи?) бердим. Шунда етти-саккиз ўқувчи «Мен ҳам пиширган номини бермаган бўлардим» деб жавоб қайтарди. Уларга қарши бешолти нафари эса «Йўқ, мен номини уларга берардим. Улар уялганларидан кейинги сафар ёрдам берар эдилар» деди. Икки қарама-қарши фикрнинг қай бири яхши, қай бири номаъқуллигини болаларнинг ўзлари билан муҳокама қилиб, хатоларни тўғрилади.

Тўртинчи босқичда эртани қаҳрамонларининг расмини чиқиш топширигини бердим. Айрим ўқувчилар қаҳрамонларни ижобий кайфиятда чиизган бўлсалар, айримлари салбий бўёқларда акс эттиришибди. Расм чиқиш топширигидан сўнг ўқувчилардан хўроз, тулки, кўён ҳақида яна қандай эртакларни билишлари ҳақида сўрадим. Улар ўзлари билган мультфильм ва эртак-

**Зубайда ПОЛВОНОВА,
Чилонзор туманидаги
90-мактаб ўқитувчиси**

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 25 yilligi oldidan

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт».

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18-модда).

тараган, таълим берган, касб-хунар эгаллашимга имконият яратган бағрикенг диёр учун умрбод хизмат қилишим керак, — дейди Анастасия Юрьевна.

Ўзбеклашган корейс аёли

Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ тумани «Тошлоқ» ма-

Ўзбек опа-сингилларимиз, ҳамкасбларимиз, ака-укаларимизни тақлиф қилсак, давра янада қизийди. Гулназа, Азиза, Фариди каби кўшнларим билан худди туғишган опа-сингилдекмиз.

Людмила Хегай учун 292-умумтаълим мактаби — иккинчи уй, умрининг кўп қисми ана шу даргоҳда кечди. Қадрдонларидан асарияти у сингари кексалик гаштини сурмоқда. Ёш ҳамкасблари баъзан телефон орқали хол-аҳвол сўраса, унинг боши кўкка етади. Йўқлов ва сийловлар кўп, бу юртда байрам ва тадбирлар бир-бирига уланади.

— Шу йил 1 октябрь — Ҳаётининг ва мураббийлар кўни муносабати билан мактабимизда кўп йиллар ишлаган Ҳабиба Ҳакимова, Зебо Умарова, Ултой Эгамбердиева, Людмила Хегай, Галина Иномоваларни тақлиф қилдик. Фахрийларни сийлаш яхши-да. Куч-қувватини, кўз нури ва юрак кўрини савоб ишга бағишлаган педагогларни қутладик. Турли миллат вакилларининг миннатдор юзига боқиб, раҳматини эшитиш бизга аъло кайфият бағишлайди, — дея мактабдаги дўстона муҳитга таъриф беради 292-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сайёра Полвонова.

Ўзбекистоннинг қайси вилоят ва туманига борманг, бошқа миллат вакили бўлса-да ўзини шу азиз Ватаннинг фарзанди деб билган, тақдиринан рози минглаб юртдошларимизга дуч келасиз. Зеро, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва толерантлик ҳукм сурган диёрда ҳар бир инсон ўзини эмин-эркин ва бахтиёр ҳис этади.

Хулқар ТҲИМАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Ўзбекистон — менинг Ватаним!

Анастасия — ёшлар етакчиси

Рус миллатига мансуб, аммо ўзбек тилида аниқ-тиниқ сўзлайдиган Анастасия ёшлар етакчиси этиб тайинланган, мактаб раҳбарининг кўнгилдан хотиржам бўлди. Қўл-оёғи чаққонгина бу қиз ўсмирлар кўнглига йўл топа олади. Маълумоти олий, ёшлар билан ишлаш бўйича тажрибаси бор. Энг муҳими, тил билади, ўзбекона урф-одатлар унга жуда яхши таниш.

— Мактабимизда 407 нафар ўқувчи билим олади. Янги 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб бизда ҳам ставкаси олий маълумотли педагогга тенглаштирилган ёшлар етакчиси лавозими жорий қилинди. Мактабимизга яқин Мустақиллик маҳалласида истиқомат қилувчи Анастасия Аҳмедовани шу вазифага тайинладик. У ўқувчи-ёшларимиз билан турли тадбирлар ўтказмоқда. Оммавий, ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўқувчини турли маънавий таҳдидлардан асрашини Анастасия яхши билади. Ўзининг йиллик иш режасини бир неч-

та йўналишда тузган етакчи қиз қатъий ва дадил ҳаракати, педагогга хос кузатувчанлиги, ҳар бир ўсмир билан индивидуал ишлаши туфайли жамоамизда ҳурмат-этибор қозонмоқда, — дейди мактаб директори Баҳром Ирискулов.

Анастасия — Ўзбекистонда туғилиб, шу юртининг нон-тузини еб улғайган миллионлаб рус қардошларимиздан бири. У Қўшрабат тумани марказидаги 82-умумтаълим мактабида билим олди. Болалигидан ўзбек тилини ўрганган қизалоққа таълимни ўзбек тилида бошлаш асло қийинчилик туғдирмади.

— 82-умумтаълим мактаби мен учун қадрдон маскан. Бу ерда болалигим, ўсмирлик дамларим кечди. Синфдошларим билан ҳар кунги мулоқот менин ўзбекча сўз бойлигимни оширди. Кейинчалик Сиеб педагогика коллежининг жисмоний тарбия ихтисослиги, Самарқанд давлат университетининг махсус сиртки таълим факультетида ўқиб, ўзбек тилини янада мукаммал ўргандим. Мен Ўзбекистонда туғилдим, шу давлатнинг паспортига эгаман. Бош Қомусимизда белгиланган барча ҳақ-ҳуқуқларимдан фойдаланяпман. Мени оқ ювиб, оқ

ҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Сурум қишлоғида корейс оилалари анчагина. Улар ўзбеклашиб кетган, кўни-кўшнчиликда ўзбекона урф-одатларни маҳаллий аҳолидан асло қолишмай адо этишади. Истиқомат жойи Бектемир туманига бир қадам бўлган Людмила Хегай ҳам кўни-кўшнларим билан илиқ ва самимий муносабат ўрнатиб келади. 292-умумтаълим мактабида ўқувчи-ёшларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб, нафақага чиққан бу аёл Ўзбекистон фуқароси эканлигидан фахрланади.

— Ўз тақдиримни Ўзбекистонсиз, унинг меҳмондўст ва кўнгли очик халқисиз тасаввур қила олмайман, — дейди Людмила Хегай. — Ўзбек маҳалласида яшадим, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабда ишладим. Ўқувчилар билан мулоқот қилиш менга умуман қийинчилик туғдирмайди. Ён-атрофимда ўз миллатдошларимнинг кўплиги мен учун яна бир бахт. Туманимизда корейс маданият маркази фаолият кўрсатади. Ўз миллий урф-одатларимизни адо этишимиз мумкин. Байрам тадбирларимизга

Қомусимиз — номусимиз!

8-синфда ўқийман. Мактабимизда ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишлаб байрам тадбирлари ўтказилади. Аммо бошланғич синфларда ўқиётганимда бу байрамнинг моҳиятини унчалик тушунмасдим...

Яқинда отам Амир Темурнинг «Темур тузуқлари» китобини олиб келди ва:

— Қизим, шу китобни ўқисанг, кўп нарсаларни билиб оласан, кўплаб саволларингга жавоб топасан, — деди.

Китоб ўзига хос қадимги тилимизда яратилган бўлиб, уни ўқиш аслида қийинроқ эди. Аммо унда тасвирланган воқеалар, жой номлари билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар эътиборимни тортиди. «Темур тузуқлари»ни бир ҳафтага қолдирмасдан ўқиб чиқдим. Бу китобдан олган энг катта хулосам шу бўлдики, ҳеч қандай давлат ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, давлатда қонунлар ҳукмронлик қилмаса, парокандаликка юз тутар экан. Китобда буюқ Соҳибқироннинг ўз ишонган кишилари билан ўтказган йўналишлари, мушкул вазиятларда тажриба ва ақлнинг ўрни, оилавий ишларда юргизган ислохотлари лўнда қилиб тасвирлангани, уни ҳар бир ўқувчи билиши керак. Энг асосийси, Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда!» деган даъвати замиридаги ҳақиқат ҳеч қачон ўз мазмунини йўқотмайди.

Ана шундай адолатни таъминловчи Конституция бўлмаса, бирор-бир мамлакат барқарорликка эришол-

маслигини англарканман, устозларимнинг «Давлат ҳам бир катта оиладир», деган сўзларини эсладим. Демак, оилада ҳам қонун устун бўлиши керак. Бўлмаса, оилада келишмовчилик ва низолар келиб чиқиши мумкин. Ота-она билан фарзандлар ўртасида, ота ва она ўртасида ҳамма амал қилиши керак бўлган мустаҳкам қонун-қоидалар бўлиши керак. Мамлакатимизни бир оила десак, қонунларнинг мавжудлиги ва мустаҳкамлиги шу оиланиннг ўз мақсадларига етишишда муҳим ўрин тутар экан. Оила муқаддас бўлгани каби, Ватан ва халқ манфаатлари ҳам табаррук. Шу табаррук гўшани асрашда Бош Қомусимизнинг катта ўрни бор. Қомусимиз — номусимиз, деган ибора тилимга келди. Ҳа, ор-номус — муқаддасдир!

Конституциямиз адолатни таъминлайдиган ҳамма қонунларнинг асоси экан. Бунинг тушунишимга Амир Темур бобомизнинг «Темур тузуқлари» китоби ёрдам берди.

Ана энди мактабимизда ўтказиладиган Конституция байрами жуда катта тадбир эканлигини ҳам англадим.

Нафиса ПАРДАЕВА,
Денов туманидаги
36-мактаб ўқувчиси



Ҳуқуқий билимларни ошириб

Қонунлар ҳаётиямизни тартибга солиб турувчи асосий омилдир. Мурак қалб эгаларига қонунлар, Бош Қомусимиз ва унинг моддалари ҳақида илҳам қилувчи билимларни бола тили билан тушуништириш, келажакда пойдевор бўладиган дастлабки билим ва қўнақчаларни шакллантириш педагогдан маҳорат талаб қилади.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 204-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига таълим бераётган Дилрабо Аҳмедова шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланади.

— Ўқувчиларим машғулотларни узоқ вақт ёдида сақлаб қолиши учун уларни кўпроқ фаолликка ундаб тураман, — дейди Дилрабо Аҳмедова. — Аниқроғи, уларнинг ўқиши, ёд олишига имконият яратиб, баъзан мавзу моҳиятини ўзида муҳассамлаштирган сахна кўринишлари намойиш этиш, совринли ўйинлар, савол-жавоблар ўтказишга эътибор қаратаман. Ўқувчиларим орасида зехни ўтқир, интилувчанлари талайгина. Бош Қомусимиз, Давлат рамзлари, байрамлар ҳақида тушунчага эга бўлган ўғил-қизлар, юқори синфларда билимларини мустаҳкамлаб боришади. Болаларининг қизиқувчанлиги менга куч-ғайрат беради.

Чарос БИЛОЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

2017-yil 2-dekabr, № 96 (9057)

МАТОНАТДАН УНАЁТГАН НИХОЛЛАР

**■ Хайт ўзи шундай — кимнингдир каф-
■ тига барака ёлдириб, кифтига бахт
■ қушини кўндириб сийласа, кимгадир
■ қайғу, ҳасрат раво кўради.**

Ваҳобжон ака ва Зеби-хон оиласи кўпчилик ҳавас қилгудек тўқис, бир-бирига муносиб жуфтлик эди. Рўзгор ташвишларига иккиси баравар елка тутар, боғми, далами — ҳар ерда захматни бирга чекиб, роҳатини ҳам бирга тотардилар. Тўнғич қизлари Насиб-хондан кейин Хошимжоннинг туғилиши оилани яна ҳам жипслаштиргандек эди. Хали ёшига етмаёқ атак-чечак юра бошлаган болаки жуда шўх, ҳамма нарсага қизиқувчан, тили бурро эди. Ваҳобжон ака ўша пайтлари чўпонлик қилар, эрта баҳорда кўй-кўзиларни тоққа ҳайдаб, кеч кузда уйга қайтарди. Зебиҳон эрининг иссиқ-совуғидан хабар олгани кетар чоғи болаларини қайнонасига қолдирар, ўғилчасининг тўполончили-гидан кўнгли алағда бўлиб йўлга отланарди. Ҳаммаси рисоладагидек — ҳаёт бир текис, маромида ўтарди, аммо ўша кўнгли фалокат оила бошига бутун умрга етгулик гам қўланқасини солди...

Хошимжон уч ёшини тўлдирганди. Ховлида ўйнаб юриб, каттак бурчагида жўжаларини қанотлари остига олиб ётган курк товукқа кўзи тушди. Жўжаларни кўраман деб, деворга тираб қўйилган трактор филдирагиға суяниб, қўлидаги чўп билан хурпайиб турган товукни тўртқилай бошлади. Кейин она товук ҳамласидан қочман деб баҳайбат филдирақлар остида қолди. Оёқчаларини тортиб олишга жон-жаҳди билан уринди, оғриқдан додлаб, охири тухсини йўқотди.

Аллақачон шом тушган, шаҳар шифохонаси ҳам анча олисда. Не қилишни билмай, яқин орада яшайдиган табибнинг уйини дараклаб кетишди. Тахтакачлар орасига олиб, маҳкам танғиб боғланган оёқчаларнинг оғриги сал тингандай бўлди. Табиб уларга гиёҳ боғламини тутиб: «Буни чой ўрнида дамлаб ичиринг, йиғлаб додласанг оёғини ечманг. Чопқиллаб юрган болага қийин бўлади бошида. Бир амаллаб овути турасиз. Йигирма кун ўтгач, яна келасиз, малҳам суриб қўяман. Насиб қилса, кўрмагандек бўлиб кетади!», дея минг азобда қовриллаётган она-изорга тасалли беради. Жигари хасталиб, касал-хонада ётиб чиққанига

қарамай, болани елкасига опичиб юрган соддадил аёл, «Хайрият, болам тузаларкан-а!» деб кўнгли ором олади. Табиб уйдан қайтгач, бола бояқиш йиғлавериб иссиғи чиқиб, алаҳсираб ётиб қолсаям, Яратгандан сабр тилаб, уни овутаверади. Айтилган фурсатда жароҳатдаги боғламлар ечилди. Она-изор ўғлининг оёқчаларига қараб юраги тўхтаб қолгандек, нафаси бўғзига тикилгандек бўлди. Оёқчалар худди болга билан уриб текислаб қўйгандек қотиб қолган, жонсиздек ҳеч нарсани сезмасди...

Отаси тоғдан қайтгач Хошимжонни шаҳар марказидаги тажрибали шифокорларга қаратди, даволатди, қаерда шифо эшигини кўрса, ўша ерга элтиди, афсус — фойда бермади. Тойчоқдек диконглаб, чопқиллаб, кўчадан бери келмайдиган бола тўшакка миҳланди-қолди. Аввалига ота-онаси, яқинлари уни кўтариб, болалар аравачасига солиб кўча-кўйга олиб чиқишарди. Кейинроқ ўзига бошқачароқ йўл топди — қўлларига таянди. Аввалига кафтчасига тош ботса, чўп-хас кириб тилса, чакана азоб тортмади. Бора-бора эмаклаб-эмаклаб кўчага чиқадиган, йўнаб-қуладиган бўлди. Гарчи оёқлари уч яшар боланикидай эса-да, бўйлари чўзилиб, панжалари бақувватлашди.

Мақтаб ёшига етгач, тенгдошларидан ортада қолмаслик учун ўзи мустақил ўқиш-ўрганишга тутинди. Ўша кунлари телеканалларнинг бирида «Ҳарфларни ўрганамиз» дастури берилар, энди-энди харф таниётган болаларнинг саводини чиқариш учун боп кўрсатув эди. Ўқиш-ёзишни ўрганишга астойдил бел боғлаган Хошимжон уч-тўрт ой нари-берисида ҳамма сабоқларни сувдек симирди. Сўнг маҳалладаги мактабдан икки ўқитувчи келиб, Хошимжоннинг зийраклиги, илм олишга интилишини кўриб, алоҳида дарс беришга ўтдилар.

Ҳайвонот дунёсига беҳад қизиқадиган Хошимжон телевизорда «Оқ бўрилар» фильмини кўришни хуш кўрарди. Бир куни телевизор лип-лип этдию, ўчди-қолди. Кўшининг уйига киришни эп билмай, асбоб-ускуналар солинган кўтани кидиришга тушди.

Ҳар нарсадан ҳадиксирай-диган она кўтани қўл етмас жойга яшириб кетибди. Уйлай-уйлай, каттакон миҳни икки тошнинг орасига олиб, зарб билан уриб, япалоқ шаклга келтирди-да, телевизор қўтисини очди. Ҳар қайси қисмини шомшай ўрганди. Қорайиб қолган битта лампаси ўрнига, экрани куй-



Ibratli hayot sohiblari

ган эски телевизор лампасини олиб қўйди. Созлагач, телевизор ишлаётганини кўриб, севинчдан қичқириб юборди. Ўша куни илк марта ўздан кўнгли тўлди, алланечук мамнун ухлади. Эртасига неча йилки ишламай турган кир ювиш машинасини таъмир-лаб, онасини қувонтирди. Секин-аста телевизор, магнитофон, радиоларни бемалол созлашни ўрганди. Маҳалла-қўйда кимнинг радиоси, телевизори, бирор техникаси бўзилса, дарров Хошимжонни йўқлашарди. Бир куни юмуш билан қишлоққа келган катта уста Қобилжон Султонов билан танишган ёш уста унинг кўмагида тажриба ўрганиш учун туман марказидаги «Зангори экран» радио-техника устахонасига қатнай бошлади. Уйларидан автобус бекатигача масофа хийла олис. Қариндош, таниш-билишларга айтиб, марказга енгил машинада бориб келдию, икки-уч ой амалиёт ўташи кераклигини фаҳмлагач, ҳеч кимга малол келмайдиган йўлни ўйлай бошлади. «Оёқларим ер босмагани билан қўлларим бақувват-ку, шундай соғлом қўлларим билан бировларга қарам бўлиб юраманми?», дея ёш болалар учун мўлжалланган уч филдирақли велосипед сотиб олиб, унга бақувват филдирақчалар, қулай ўтириши учун ўриндиқ ўрнатди. Қўл билан бошқариладиган велосипедда энди бемалол автобус бекатига бориб, уйига бахулар қўр қайтаверди. Аввалига, кўчадагиларнинг ҳайрат тўла нигоҳлари, пичир-пичирларидан кўнгли гашланди, ноқулай аҳволга тушди. Бора-бора ҳаммаси ўрнига тушиб, билинмай кетди. Қийналса ҳам хунарни пухта ўрганган Хошимжон тунни тонгга улаб ишлаганларида ҳам бировга нолимайди, машаққатлардан бўйин товламади, кимгадир керак экани, атрофидигиларга нафи тегаётганининг ўзи кучига куч қўшарди.

Фаргона вилоятида маҳсус ноғиронлар мактаби

борлигини эшитиб ҳаловатини йўқотди. Ота-онаси билан маслаҳатлашиб йўлга тушди. Ўқув даргоҳига кириб борганида ўзидек йигит-қизларни кўриб, албатта, мана шу ерда таълим оламан, деб дилига тугди. Ўқув даргоҳи раҳбари олдига кириб, кўнглидан ўтганларини бирма-бир айтди.

— Ўғлим, иложи бўлса, сизни имтиҳонсиз қабул қилардик. Бу мактабда ноғиронлар касб-хунар эгаллаши рост, аммо улар ҳассага таянса ҳам, оқсоқланиб зўрга қадам ташласа ҳам, оёғи ер босади. Дарсхоналаримизнинг аксари иккинчи, учинчи қаватларда. Зиналардан чиқиб-тушишнинг муаммо бўлади. Одамлар оёғи остида, эмаклаб юришнинг юрагимга сигдиролмайман. Қийналасиз! Сиз аллақачон бу ерда ўрганиладиган билимларни эгаллаб бўлибсиз. Илтимос, мендан хафа бўлманг, — деди мулоим оҳангда директор.

Бирор ноҳўя гап эшитмаган бўлса ҳам Хошимжоннинг кўз олди қоронғулашди, қўллари титради, ичида нимадир чирт этиб узилганга ўхшади. Уйига чор-ночор қайтгач, аламини меҳнатдан олди. Кўнгли тўлса, ора-орада шеврлар ёзди. Боғбон амакиси Масоли акадан мевали дархатларни экиб, пайвандлаш сирларини ўрганди. Бозордан, ўзларининг боғидан келтирилган мева данакларини катта ховлига онаси, дўстлари кўмаги билан экиб, кўчат ундирди. Шафтоли ва ўрикнинг нобб турлари новдаларидан кесиб олиб, янги қўчатларга пайвандлади. Бир-икки йилда уста боғбонлардай мевали кўчат ўстиришининг янги усулларини топиб, даромад ола бошлади. У маҳаллада ҳам уста, ҳам боғбон деган ном чиқарди.

Ўша кезлари мен туман ижроия қўмитасида «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» бўлимида иш-

лардим. Туманнинг «Оқ олтин» газетасида «Қалдирғоч» рўқни остида ёш қаламкашларнинг ижодидан намуналар чоп этиларди. Газета муҳбири менга сим қоқиб, Чилон қишлоғида бир ноғирон шоир йигит борлигини айтиб, манзилини берди. Уни кидириб топдим. Зебиҳон ая пешвоз чиқиб, «Мана менинг шоир болам, онаси», дея Хошимжонни кўрсатди. Йигитча, кўзига ёш олиб, рўмоли четини тишлаб турган онасига бир қараб қўйди-да, чаққонлик билан ёнимга келди: «Опа, мени ноғирон, қўлидан бирор иш келмайди деб ўйламанг. Ҳаммасини уйдалайман. Томорқадаги мевали кўчатларнинг ҳаммасини ўзим пайванд қилганман, кўра-кўра қўйларни боқиб, семиртирганман. Шевр ёзаман, иккита катта дафтарим тўла, шунга сизни йўқлатдим», — деди кўзлари ёниб. Чинданам, чоққина томорқанинг бирор бўш ери йўқ, ҳар қари-чида дов-дарахт, ховли четиде муаттар гуллару райхонлар солинган турибди.

— Опа, гуллардан узиб берайми? — гулларга суқлаиб тикилаётганимни сезган Хошимжон савол назари билан қаради. — Кимнинг ҳовлисига чиройли очилган гулни кўрсам, кузда бориб новдасидан олиб келиб кўкартираман. Мени опичлаб улғайтган, бағрига босиб, туни билан ноғирон оёқларимга кафтини босиб ётган онам бўлмаганида, мен ҳозир бундай ишларни қилолмасдим. Худо бахтимни очиб, онамдек меҳрибон, чаққон, қўли гул жуфти ҳалолни масиб этса, онам роҳатимизни кўрса, дейман. Мен шу юртининг тўпругини ҳаммадан кўпроқ ҳис этсам керак. Ерда ўрмалаб юрган гўдак тўпроқни жирканмай оғзига солиб ейишида ҳам гап қўл экан. Ер энг яқин оғайним, дўстим, севгим... Шу тўпроқ ота-онамдай мени аллагани учун ҳам унда гул ундираман, ниҳол кўкартираман...

Ўша йили туман газетасида унинг шеврлари эълон қилинди. Сўнг туман ноғиронлар жамяти ташаббуси, саховатли инсонлар кўмаги билан ўн нафар ёш ижодкорнинг «Ярим кўнгли ноласи» шеърий тўплами чоп этилди.

Келини Хаётхон уларнинг хонадонига хурсандчилик, ёруғлик олиб келди. Зебиҳон ая набираси Ҳосилабонунини тўйиб-тўйиб бағрига босди, алла айтиб, тортган азобларини андак унутдию, сўнг омонатини топширди. Ваҳобжон ака бошчилигида олти гектар ерни шовуллаган боққа айлантиришди. Бугун мева тугаётган дархатлар орасида Хошимжон данагидан ундириб пайвандлаганлари ҳам талай. Оилага барака инди, ёноқлар бахтдан қизарди. Яқинда Хаётхонга Президентимиз совғаси — тикув машинаси берилгани эса кўнглидаги ишонччи янада мустаҳкамлади, ёруғ кўнлар хали кўп эканига ишора берди. Матонатдан унаётган ниҳоллар кундан-кунга буй чўзаётгани эса дилларга таскин бераётир.

Мунаввара УСМОНОВА

2017-yil 2-dekabr, № 96 (9057)

Оғзаки нутқни шакллантириш

Соғлом инсон нутқининг ривожланиши эшитиш идрокига таянади. Бола нутқи ўзгалар мулоқотини идрок этиш, уларга тақлид қилиш орқали шаклланиб, ривожланади, такомиллашади. Эшитиш имконияти чекланган бола эса махсус таълим жараёнида сўзлашув жараёнини ўрганади. Бу сурдопедагогдан таълим жараёнида услубий маҳорат, ижодкорлик, юксак масъулият ва сабр талаб этади. Болада оғзаки нутқни ривожлантиришга илк ёш даврида ноқ эътибор қаратиш керак.

Эшитиш имконияти чекланган ўқувчини сўзлашув нутқига ўргатишда турли усуллардан фойдаланиш мумкин. **Вазият яратиш усули**да ўқувчини савол билан мурожаат қилишга ёки фикрини билдиришга ундаш керак. Ўқувчига ўргатилиши кўзда тутилган жумла тасмага ёзилган ҳолда тақдим этилади. Ҳосил қилинган вазиятда ўқувчи ўқитувчига эргашиб жумлани тасмадан ўқиб, талаффуз қилади. Товуш ва сўзларнинг тўғри, аниқ талаффузи устида ишлаш зарур. Кейинчалик доктил (имо-ишора) нутқдан фойдаланиб, ўқувчи мустақил оғзаки талаффуз қилади. Бора-бора доктилсиз, мустақил сўзлашув жараёнига эришилади.

Ўқувчи оғзаки нутқнинг ҳаётдаги аҳамиятини англагач, мулоқотга қизиқиши янада ортади. Муҳи-

ми, болани қизиқтириш, унда мулоқотга хоҳиш уйғотиш, бу жамиятга уйғунлашиш зарурати эканлигини уқтириш лозим.

Бошланғич синф ўқувчилари билан “Яшириб қўйилган расм” мавзуси бўйича машғулот ташкил этиш учун қуйидаги жумлаларни тайёрлаш лозим:

— Болалар, сўранг-чи, бу расмда нима тасвирланган? (мева)
— Бу меванинг шакли қанақа? (думалок)

— Ранги қанақа? (сарик)

Кейинчалик расмларнинг мазмуни ва мавзуси мураккаблашади, шунингдек, савол-жавоб, грамматик муносабатлар шакли ва кўлами ҳам кенгайиб боради. Ўқувчи расм мазмунига оид саволлар беришга ўтади. Масалан: “Расмда қаер тасвирланган? Болалар нечта? Улар нима қилляпти? Йилнинг

Maxsus ta'lim

қайси фасли тасвирланган? “Қандай либос танланган?” ва ҳоказо.

Сўзлашув нутқини ривожлантиришда ўқувчининг мустақил равишда ўз фикрини хат орқали йўллаш усули ҳам қўрилган самара беради. Ахборот технологиялари асрида бола ўртоғи, ота-онаси ва қариндошларига телефон орқали хабар ёзиш малакасини эгаллаши зарур. Хабарнинг тўлиқ, имло хатоларсиз, мазмунли ёзилишига нима етсин?

Эшитиш имконияти чекланган болани сўзлашишга ўргатишда ота-она ва педагогдан доимо ҳамкорликда ишлаш талаб қилинади. Ота-она педагог кўрсатмаси асосида, фарзандининг хонасига сўзлашув характеридаги жумлалар ёзилган тасмалар илиб қўйиши унда оғзаки мулоқотни ривожлантиради. Тарбияланувчи билан биргаликда китоб ўқиш, эртак ва ҳикоялардаги персонаж нутқини эслаб қолиш, унга тақлид қилиш бесамар кетмаслигини ўз тажрибамизда кузатдик.

Нигора РАҲМОНОВА,
Кармана туманидаги
25-сонли кар-соқов болалар
мактаб-интернати ўқитувчиси

Миллий матбуот марказида “Оммавий ахборот воситаларида ногиронлик масалаларини ёритиш билан боғлиқ масалалар” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбир ногиронлик масалаларини оммавий ахборот воситалари материаллари, бошқа йўналишдаги ижод намуналарида ҳаққоний ёритиш, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан жамиятда соғлом

Ногиронлик масалаларини ёритишга бағишланди

муносабатни шакллантириш, бу борада ижодкорларнинг хабардорлик даражасини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда филология фанлари доктори, профессор С.Содиқовнинг “Махсус журналистиканинг асосий муаммолари”, Матбуот ва ахборот агентлиги етакчи мутахассиси М.Парпиевнинг “Матбуотда ногиронлик масалаларининг ёритилиши: ютуқ ва муаммолар таҳлили”, “Ёшлар” телерадиоканали директори ўринбосари О.Алиевнинг “Ногиронлар ҳаёти ва уларнинг муаммолари радиоешитиришлар талқинида” каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Назозат ХОЛМЕТОВА,
“Ma'rifat” муҳбири



Иродали Ирода

Инсон ҳаракат қилсагина мақсадига этади, аммо буни эплаш ҳаммага ҳам nasib этавермайди. Гоҳида имконияти чекланган бўлишига қарамай муваффақият қозонаётган кишиларни кўриб, ҳайратга тушамиз. Ахир соғлом бўла туриб ўз касбини, ишини элай олмайётган инсонлар қанча? Бирор ютуққа эришиш учун имконияти чекланган инсон икки баробар кўпроқ меҳнат қилишига тўғри келади.

Intilganga tole yor

Эшитишида нуқсон бор журналист ҳақида эшитганмисиз? Ривожланган мамлакатларда бундай касб эгалари мавжуд, аммо ўзимизда-чи?

Бизда ҳам шундай инсон бор, аммо камтарлиги туфайли уни ҳамма танимайди. “Бекажон” газетасининг муҳбири Ирода Умарова мақола ва шеърлари билан ўқувчилар хурматини қозониб келмоқда. Ироданинг эшитишида нуқсон бўлишига қарамай, журналистика деган мураккаб касбни уддалаб келаятгани, ҳамкасб ва муаллифлар билан самимий муносабатига қойил қолсак, арзийди.

Ирода 1987 йилда Жиззах вилояти Фориш туманидаги Гараша қишлоғида, зиёли оилада таваллуд топган. Онаси Зулайҳо Фозилова уй бекаси, отаси Эргаш Умаров ўқитувчи,

мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс берган. Аини дамда кексалик гаштини сурмоқда. Ирода оилада 9 нафар фарзанднинг кенжаси бўлиб, 1994 йилнинг баҳорида, яъни 7 ёшида тўсатдан касал бўлиб қолади. Бир ҳафтalik kuchli иситма туфайли оёқлари фалаж бўлиб ётади. Қишлоқ шароити, дастлаб уйда даволатишади. Кейинроқ туман шифохонасига олиб боришади. У ерда грипп ташхиси билан даволанади. Оёққа туради. Аммо эшитиш қобилияти сусайиб бораётганини сезиб қолишади. Муолажаларга қарамай, бора-бора умуман эшитмай қолади. Ўша пайтда мутахассислар унга “кохлеар неврит” ташхисини қўйишади.

Шунга қарамай Ирода қишлоғидаги 79-мактабда синфдошлари орасида эшитишида нуқсон бўлган ягона ўқувчи сифатида билим олади. Таълим даргоҳини битириб, 2006 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши-

ришга муваффақ бўлган. У ўша пайтдаёқ “Бекажон” газетаси қошидаги маҳорат мактаби ижодкорлари клубига аъзо эди. Клуб иштирокчилари ўртасида ўтказилган танловда ғолиб чиқиб, мукофот сифатида таҳририят ҳисобидан шартнома пулини тўлаш имкониятини қўлга киритади.

Олий ўқув юртида унга соғлом тенгдошлари қатори таҳсил олиши учун барча шароит яратиб беришади. Курслдошлари қўллаб-қувватлаб туришар, устозлари кўнглига қарашарди. 11–12 ёшида иккилик ва тўртлик сатрлар тузиб, шеърлар ёзар, ўша пайт машқлари турли газета саҳифаларида чоп этиларди. 2009 йилдан

(2008), “Учинчи дунё” (2008), “Сиз учун” (2009), “Муҳаббат диёри” (2013) номли назмий ва насрий китоблари нашр этилган. Озарбойжонда чоп этилган “Севги фасли” — туркий халқлар шоирларининг баёзи ва “Бута” альманаҳига шеърлари киритилган. Шунингдек, “Жиззах ифори”, “Маҳорат мактаби”, “Ёшлар китоби” альманаҳларидан ҳам унинг ижод намуналари жой олган.

XXI асрда ҳар бир соҳа шиддат билан ривожланипди. Шу жумладан, тиббиёт ҳам. Илгари эшитиш қобилиятини тиклашнинг иложи йўқ эди, аини дамда бу касалликни кохлеар имплантация орқали жароҳлик йўли билан даволаш мумкин. Дарвоқе, Ирода аини пайтда кохлеар имплантацияси жароҳлигига тайёргарлик кўряпти. У 23 йилдан буён эшитолмаган ота-онаси, яқинлари, яна турмуш ўртоғи Ихтиёр ва ўғли Ашрафхоннинг овозини эшитиши сабрсизлик билан кутияпти.

Биз Ироданинг ушбу дардни юксак ирода билан энгиб чиқишига ишонамиз.

Маъмур АҲЛИДИНОВ,
Тошкент шаҳридаги
102-сонли заиф эшитувчи
болалар махсус мактаб-интернатининг собик
ўқувчиси



га ҳужжат топширади. Иродада тасвирий ва амалий санъатга қизиқиш юқорилиги сабаб шартнома асосида ўқишга ки-

бошлаб “Бекажон” газетаси таҳририятида расман фаолият юритади. Ироданинг “Баҳор висоли” (2006), “Эгасиз соғинч”

2017-yil 2-dekabr, № 96 (9057)

Мамлакатимизда ички ишлар идоралари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бойси, соҳа олдидаги масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда тизим шахсий таркибини юксак малакали, профессионал кадрлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

дастуриламал бўлмоқда. Чунки мазкур институтни тамомлаган ёшлар мамлакатимиз осойишталиги, халқимиз тинчлиги ва фаровонлигини яхшилаш, ёнгин хавфсизлигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни адо этиш учун сафарбар этилади.

Шунингдек, курсантларни юксак даражада ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида, уларда мамлакатдаги ижтимоий хавфсизликка

Курсантлар маънавиятини юксалтириш — муҳим вазифамиз

Юқори касб маҳорати эга малакали мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишга ҳисса қўшадиган Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институтида ёнгинни ўчириш ва олдини олиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, моддий бойликларни асраш вазифаларини самарали бажаришга қодир мутахассис-офицерлар тайёрланади. Мазкур олий таълим даргоҳида таълим-тарбия ишлари замон талаблари асосида йўлга қўйилган бўлиб, курсантларнинг маънавиятини юксалтириш, назарий билимлар бериш билан бирга амалий кўникмаларини ошириб боришга алоҳида ёндашилади.

Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги «Ёнгин хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори институтида бу борадаги ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, ўқув адабиётлари, қўлланмаларнинг янги авлодини яратишда муҳим



тахдидларни чуқур таҳлил этиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда соғлом муҳит яратиш кўникмаларини шакллантириб бораёلمиз. Амалий машғулотлар объектнинг ва бажариладиган вазифаларнинг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳамда меҳнат муҳофазаси талабларига мувофиқ олиб борилади. Ўқув жараёни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, илгор тажрибалар асосида ташкил этилади.

Абдулносир МИРЗАЕВ, Азизжон ЖОНИҚУЛОВ, ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти ўқитувчилари

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети педагог-ходимлар, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Ўзбек тилшунослиги;
- Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослик;
- Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён;
- Фольклоршунослик ва диалектология;
- Ўзбек тилини ўқитиш методикаси;
- Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси;
- Таржима назарияси ва амалиёти;
- Шарқ тиллари кафедралари доцентлигига.
- «Ўзбек тилини ўқитиш методикаси» кафедраси катта ўқитувчилигига.
- Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослик;
- Педагогика ва психология;
- Инглиз филологияси кафедралари ўқитувчилигига.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ректор номига ариза;
- Ишловчининг шахсий варақаси;
- Маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- Паспорт нусхаси;
- Илмий ишлар рўйхати(факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда);
- Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 20 кун муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Юсуф ҳош Жоби кўчаси, 103-уй. ТошДЎТАУнинг ходимлар бўлими.
Тел: (+998 90)127-50-82.

Сапторов Эрмат Норкуловичнинг 01.01.02 — Дефференциал тенг-ламалар ва математик физика ихтисослиги бўйича «Биринчи тартибли чизиқли эллиптик системалар учун Коши масаласи» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 21 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй.

Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: nauka@niu.uz

Ашмов Жуманазар Турғуновичнинг 01.04.06 — Полимерлар физикаси. 02.00.12 — Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология ихтисосликлари бўйича «Хитонан полимернинг реакцияга мойиллигининг конденсацияланган муҳитлардаги молекуляр механизмлари» мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01 рақамли илмий кенгаши асосидаги бир марталик илмий кенгашининг 2017 йил 14 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7-«Б» уй.

Тел/факс: (0-371) 241-85-94, 241-26-60; e-mail: polymer@academy.uz

Мухамедова Нурхон Халимовичнинг 14.00.25 — Клиник-лаборатор ва функционал диагностика ихтисослиги бўйича «Аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврда метаболит синдром таъхисига дифференциал ёндашиш» мавзусидаги (тиббиёт фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.30.02 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 15 декабрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. ТТАнинг 3-клиникаси, мажлислар зали.

Тел/факс: (0-371) 150-78-25, 214-83-11, 150-78-28; e-mail: info@tma.uz

Норматова Шахноза Анваровичнинг 14.00.07 — Гигиена ихтисослиги бўйича «Аҳоли оғзақлигида сут ва сут маҳсулотларининг ўрнини ва уларни ишлаб чиқаришда хавфсизлигини баҳолаш» мавзусидаги (тиббиёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.30.03 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 7 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. ТТА, 1-ўқув биноси, 4-қават, мажлислар зали.

Тел/факс: (0-371) 150-78-25, 214-83-11, 150-78-28; e-mail: info@tma.uz

Муртазаев Саидмуродхон Саидалоевичнинг 14.00.21 — Стоматология ихтисослиги бўйича «Ўзбек популяциясига мансуб шахсларнинг юз-жағ соҳасининг антропометрик ренгенофалометрик кўрсаткичлари ва уларни клиникада қўллаш» мавзусидаги (тиббиёт фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.30.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 14 декабрь кuni соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: (0-371) 150-78-25, 214-83-11, 150-78-28; e-mail: info@tma.uz

Эшова Холиса Саидовичнинг 03.00.06 — Зоология ихтисослиги бўйича «Ўзбекистон чўл ҳудудларидаги нематодалар ва уларнинг яшаш муҳити шароитларига мослашиш йўллари» мавзусидаги (биология фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.В.52.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 11 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғшамол кўчаси, 232-«Б» уй, Зоология институти.

Тел/факс: (0-371) 289-04-65, 262-79-38; e-mail: info-zoology@academy.uz

Эгамназаров Георгий Анатольевичнинг 05.05.02 — Электротехника. Энергоэнергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар ихтисосликлари бўйича «Кўп симли электр узатиш линияларида симметрик бўлмаган қисқа туташув тоқларини ҳисоблаш учун такомиллаштирилган алгоритмларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Т.03.03 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 9 декабрь кuni соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: (0-371) 246-46-00, 227-10-32; e-mail: istu_info@tdtu.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбарияти ва касба уюшмаси қўмитаси Навоий вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Б.Ҳосилова қизи
Феруза ҲОСИЛОВАнинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



Qo'ng'iroq chalinguncha

БОЛАНГ КИТОБ ЎҚИСА...



Йилдай узун қиш кечалари... Онанг эски темир тоғорадаги қуруқ қийни печка оғзидан қуяди. Гуриллаб ўт ёнади, бирпасдан сўнг тез-тез «гурп-гурп» этиб бир маромда ёна бошлайди, бундоқ таққосласанг, куй ёки қўшиқнинг такрорланувчи нақоратини эслатади. Печка устидаги иккита чойғум, катта оғзидаги тоғорада сўқимга аталган арпанинг суви ҳам биқирлаб қайнай бошлайди, ёқимли ҳид таралади. Пишаётган арпанинг димоқни эркалатувчи хуш бўйи... Ҳозиргина сариеғли ширғуручга тўйиб олган бўлсанг ҳам, тагин иштаханг кўзийди — молга аталган емга қошиқ ботирсам-чи, деб қизиқасан. Онангга буни сездирмайсан. Катталар босиб чой ичишади. Онангга бунинг алоҳиди: кўп чой ичма, оқшом сени ким тўсади? Оқибатини ўйлаб тийиласан — кап-катта бола бўлсангу, аллақандай чойни деб тўшақни булгаб ўтирсанг... Ундай кўра мойчироқни настига тушириб, ёруғида китоб ўқи, дарс тайёрла.

Ҳали ўқишни билмаган кезларида бола китобни хидидан танирди. Электр йўқ, телевизор йўқ, вишиллаб овоз чиқарувчи деворга миҳлаб осилган, чанг-кирдан саргайиб кетган «Альпинист» радиосининг ҳам уни, ўчган батареяси соб бўлган, қачон Бебит атторнинг бу ёққа йўли тушса, кўлига бир сўм тутқазиб, кейинги ҳафта Самарқанда тушганингизда бир жуфт ялпоқ батарея олиб келинг, яна эски — кучи йўғидан олманг, икки симига тилингизни теккизиб кўриб, жизиллатиб юборса, ўшандан

олинг, деб тайинлайди бола. Боланинг маҳмадонлигидан атторнинг жаҳли чиқади. «Ўзим билан нима қилишни», деб тўрсяди. Болага бурнини артиб юрса яхши бўлишини уқтиради. Сўнг девордаги «Альпинист» радиосини шаҳардаги жуҳуд дўқондордан шахсан ўзи опкелиб берганини иддао қилади. 35 сўмга олиб, сенларга устига кўймай 35 сўмга сотган эдим, деб миннат қилади. Қайтаётиб болага тагин бурунни оқизмасдан юриш чандон фойдалани эканини кўзини олайтириб таъкидлайди.

Бола бу мавзуга унча кўп эътибор бермайди: бурун бўлгандан кейин оқади-да, нима, бошқаларда йўқми? «Альпинист» «тилга киргунча» нақд икки ҳафта ўтиб кетади. Девордаги савилдан то Олмаҳон Ҳайитова, Комилжон Отаниёзов ёхуд «Ялла»нинг кўшиғи бир бор янграмагунча интизорлик давом этади.

Кўрган бошқа, эшитган бошқа. Бола кўшиқларни эшитади, аммо китобдаги қаҳрамонларни кўриб турарди. У уй тўрида сандиқ тагидаги тахламдан картон жилди китобни олиб акасига тутқазди.

— Нима бу? — дейди ака.
— «Эрали ва Шерали», — дейди бола.
— Нима қилай?
— Ўқи!

Ака қироат билан бошлайди: «Қадим ўтган замонда, Чамбилбел деган томонда, битта ўғлон бор эди, афсус ва афсус, бир тирноққа зор эди...».

— Буниси керак эмас, — дейди бола.

— Қайсиниси керак?
— Эралини айёр чол қамаб қўяди, кейин Эрали ётган уйнинг томига давлат қуши келиб кўнади, шу еридан бошлаб ўқи.

Бундай узун қиш кечалари дostonлар тугул йирик эпопеяларни ҳам ўқиб тутатса бўларди. У боланинг ёши ҳозир эллик тўртда. Бу ёшга етгунча бир неча юзлаб китоблар ўқиган. Аммо ўша чойғум қайнаётган печка ёнидаги дoston-хонлик, эртақхонлик, қиссахонликларни ҳануз соғинади.

Ўшанда у 4-5 яшар бола эди. Ҳар бир китобни хидидан танирди.

«Кундуз билан Юлдуз», «Гўрўғли», «Равшан», «Авазхон», «Муродхон», «Рустамхон», «Кунтуғмиш», «Алломиш», «Қизил олма», «Робинзон Крузо», «Ҳожимуқон», «Шум бола», «Алвидо, Гулсари», «Оқ кема» ва ... жуда кўп эди улар.

Ҳар бирини хидидан танирди... Китоб одамни тарбиялайди, дунёқарашини кенгайтиради, эзгуликка, яхшиликка ундайди. Оламжаҳон орзуларга кўмади.

Эллик тўрт ёшли «бола» ҳозир ҳам ўйлайди: боланг ҳам китобга интиқ бўлса экан, талпинса экан, соғинса экан, ётволиб хидласа экан... Шу болангдан, интиқ болангдан ёмонлик чиқадими?

Чиқмайди! У зўр бола бўлади. У зўр бўлади!

Собир ЎНАР

Муҳаммад Юсуфнинг «Осмоннинг охири» дostonини ўқиганмисиз? Унда шундай жумла бор:

«Одам дунёга бир марта келади. Шу бир калима сўз билан қанча савоб ишлар қилиш мумкин. Шу бир калима сўз пинжада қанча

Ахир, одам дунёга бир марта келади-да, дугонажон!

Қишлоқда эса ўша талаба қизнинг онаси туҳум эки сут сотиб йиғиб қўйган пулини унинг ижара тўлови учун жўнатади. Уям ўзича хурсанд:

«Одам дунёга бир марта келади»

гуноҳга ботиш мумкин.

Бу гапни қари қиз айтса йиғлагинг келади.

Сатанглар айтса энсаси қотади одамнинг...».

Чиндан ҳам шундай.

Чет элга бориб бизнес қиладиган аёл кўша-қўша узуклари, тилла тақинчоклари билан кўшнларига мактанади:

— Бу дунёга келдингми — яшаб қолиш керак. Буларнинг ҳаммаси одамзод учун. Имкониятдан фойдаланиш лозим. Ахир, одам дунёга бир марта келади...

Аёл шу гапларни айтадию оstonасидаги супургисига-ча хорихдан келтирилган ҳашаматли уйига киради. Бойлигини рўқач қилавергач, чидолмасдан кечани аразлаб онасиникига кетган келинининг оёқ кийимига қоқилиб тушади. Ўрнидан турмоқчи бўлганда эса, тепасида қоқ суяк бўлиб қолган ўғлини кўради:

— Ойи «дори»га пул беринг. Йўқ дея кўрманг. Ахир ўзингиз айтгансиз: «Одам дунёга бир марта келади»...

— Ётоқхонада турмайман, — дейди талаба қиз дугонасига. — Хоҳлаган пайтинг кўчага чиқолмайсан, ўйнаб-қуллолмайсан. Эрта-индин ўқишни битирамиз-кетамиз.

— Мен ўқимаган ўқишда қизим ўқияпти. Майли, қўлларим қаварса ҳам, болаларим учун ишляялман-ку. Одам дунёга бир марта келади-да, ахир!

Тонг қоронғисиди кўчани супургани чиққан фаррош аёл то қуёш чиқиб, кишилар ишга-ўқишга отлангунча анчагина жойни озода қилиб қўйганини кўриб, ич-ичидан севилади:

— Ҳамма тоза-озода кўчада юришни хоҳласа керак. Одамлар мен супурган йўлакда юриб, кайфияти кўтарилса... Тонгги яхши кайфияти сабаб, балки улар қанча савоб ишларни қилишар. Ахир, одам дунёга бир марта келади!

Бу пайтда турмуш ўртоғини ишга, болаларини ўқиш ва боғчага кузатиб қўйган аёл дастурхонни йиғиштириб оларкан, дуога қўл очади:

— Фарзандларимнинг ҳам отасига ўхшаб йўлини берсин. Илоҳим, уларнинг ҳам кимгадир фойдаси тегсин. Биз кўрмаган кунларни кўрсин. Ахир, одам дунёга бир марта келади...

Дадаҳон МУҲАММАДИЕВ

Мўминнинг ҳаётида абсурд бўлмайди. Яшашдан маъно топа олмаётган кимсанинг мўминлик сифатларига пугур етгани аниқ.

Бу киши сизни ўзингизга ёмонлаб, бошқаларга мақтайди. Севимлигининг сири шунда.

Хатолар ҳам буюк муриббийдир

Сизга яхшилик қилишлари учун имкон беринг, эҳтимол, шунинг ўзи ҳам бир яхшиликдир...

Улар қичқираверсин: Ҳаёт — бу лаҳза. Ўйна. Сиз ўзингиз учун жавоб беринг: Ҳаёт — бу лаҳза. Ўйла!

Вақтинг ошиб-тошиб ётган бўлса, хоҳлаганинча сарф эт, фақат унутма: эртага бор-будингни берсанг ҳам қайтара олмайсан, Чунки ўшанда ҳам ер юзи Вақт сўраб ялиниб-ёлворётган ношуд исрофгарларга тўлиб ётган бўлади.

Болалиқда бола бўлмаганлар, бўлолмаганлар бор.

Шеърга қарсақ асосида баҳо бериш шоирга, шеърятга нисбатан ҳурматсизликдир. Шундоқ ҳам шовқинга ўч ёшларни бунақа нарсаларга ўргатмаслик керак.

Бошқа санъат турларини ҳеч қамситмаган ҳолда айтмай: барибир, Адабиёт одамларида Ҳаққа мойиллик кўчириқ.

Ватанга хизмат қилаётган одамни қўллаб-қувватлаш ҳам Ватанга хизмат қилишдир.

Энг ярамас баҳона: «Атай қилганим йўқ-ку!».

Одам оила бағрида ўзини хотиржам ҳис қилмас экан, бошқа ҳеч жойда хотиржам бўлолмайди.

Истеъдодни асрай билиш ҳам улкан истеъдоддир.

Англайдиган одам учун хатолар ҳам буюк мураббийдир.

Маърифатпарвар бойлар кўлайиши керак. Аслида, маърифатли одам — бой одам, лекин барибир, моддий тўқислик(қудрат) ҳам зарур.

Бехзод ФАЗЛИДДИН

Спортчи қачон ғалаба қозонади?

Халқимиз спорт, айниқса, футболга ўзгача меҳр қўйган. Терма жамоамиз «миллионлар ўйини» бўйича келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг финал босқичига чиқолмагани барчамизни хафа қилди. Бунинг сабабини ҳамма ўзича, ўз дунёқарashi ва салоҳияти даражасида шарҳлади, таҳлил қилди. Мен ҳам профессионал футбол клубидаги узоқ йиллик фаолиятимдан келиб чиқиб, бу борадаги фикр ва мулоҳазаларимни умумлаштирдим.

Гап шундаки, мен спорт тиббиёти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни, таклифларимни билдирмоқчиман.

Бугун ўзбек спорти, айниқса футболимизда машғулот ёки ўйинларда жароҳат олганларга тўғри биринчи ёрдам бериш, доимий тиббий профилактик назорат кўрсатиш олий лиганинг саноқли клубларидаги-на нисбатан яхшироқ йўлга қўйилган...

Ўтган йилларда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилдим, турли йиғилиш, семинарларда қатнашиб, маърузалар ўқидим. Аммо уларда илгари сурган таклиф ва муурожаатларим ҳали-ҳануз эътиборга олинмапти. Хоҳ марказий нашрлар, хоҳ спорт ёки футболга ихтисослашган газеталар бўлсин, хоҳ радио-телевидение бўлсин, мазкур долзарб мавзу деярли тилга олинмайди, эътиборсиз қолдирилади. Афсуски, футболимиз ичидаги чинакам камчилик ва хатолар чуқур таҳлил қилинмапти...

Аслида биринчи ёки иккинчи лига, вилоят, шаҳар ва туман миқёсидаги жамоалар, ҳаттоки спорт мактабларида ҳам бу жиҳатга профессионал даражада эътибор қаратиш

лозим. Ачинарлиси, тиббий хизмат кўрсатиш ва даволаш хоналари бўла туриб фойдаланиш тўғри йўлга қўйилмаган.

Инсон самарали меҳнат қилиши, фаровон яшаши учун, аввало, соғлом бўлиши керакми? Албатта. Футболчилар ҳам ўз имкониятларини тўла намоён этиши, олға интилиши, ғалаба қозониб, мухлисларини хушнуд этиши учун jismonan соғ бўлиши лозим. Кўпчилик муаммо ҳақида гап кетса, дарҳол маблағни рўқач қилади. Лекин пулсиз бажариш мумкин бўлган ишлар ҳам йўлда-жўлда қолиб кетаяпти-ку.

Қисқаси, бугун футболчиларга намунали тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўймасак, кўзлаган орзу-ниятларимизга яқин орада эришиш амримаҳол бўлиб қолавереди. Ҳозирги замон талабига жавоб берадиган тиббий хизмат кўрсатиш тизимини яхшилашга доир таклиф ва фикрларимни билдирмоқчиман. Бунинг учун илк навбатда Республика жисмоний тарбия

диспансерини қайта тиклаш керак. Шунингдек, вилоят, шаҳар ва туманларда унинг бўлиmlарини ташкил этиш ва фаолиятини жонлантириш зарур.

Иккинчидан, тегишли идоралар, мутасадди ташкилотлар, футбол клублари ва спорт муассасалари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Футболни ривожлантиришда тиббий хизматни яхшилаш ва тўғри ташкил этиш тўғрисидаги буйруқ ва қарорлари бажарилишини қатъий назоратга олиши керак. Футболчининг касаллигини яширишга уринишларга чек қўйилиши лозим.

Учинчидан, футбол клуби шифокорининг малакасини ошириш учун семинарларни аниқ дастур ва режа асосида ташкил этиш зарур. Охирида шундай семинар, яъни ўқув йиғини 2013 йили ўтказилганини изохлаб ўтиришга ҳоҳат йўқ.

Тўртинчидан, мамлакатимиз футбол жамоаларида йил мобайнида белгиланган умумий маблағнинг ҳеч бўлмаса 1 фоизи зарур тиббий асбоб-ускуналар, дори воситалари, витаминлар, даволаниш, профилактика ишлари ва тикланишлар учун сарф этилишини таъминлаш лозим. Шунингдек, болалар футболга эътиборни янада ошириш, унда тиббий саломатлик масаласини устувор қилиб белгилаш керак. Бу мавзуда ОАВда танқидий-таҳлилий чиқишлар бўлаяпти, аммо уларнинг амалий ўзгаришларга таъсири етарлича эмас...

Мирзабурхон ДУСТМУРОВА,
“Металлург” футбол клуби шифокори

Поётхатимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида Ўзбекистон “Rowing & canoe” федерациясининг жорий йилги фаолияти сарҳисоби бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, федерация мутасаддилари, мураббийлар, номдор спортчилар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда байдарка ва каноэда эшак эшиш тобора оммалашиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, қўлга киритилган натижалар, юртимиз спортчи-

Янги марралар сарҳисоби

ларининг 2018 йили Ёшлар олимпиадаси, Индонезияда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари, 2020 йили Токио шаҳрида ўтказиладиган XXXII ёзги олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига тайёрлаш ишларининг бориши ҳусусида фикр юритилди. Байдарка, каноэ, академик ва слалом эшак эшиш йўналишлари бўйича терма жамоалар мураббийларининг фикрлари тингланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида миллий терма жамоамиз аъзолари жаҳон кубоги босқичлари, 23 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон ҳамда Осиё чемпионатлари, Осиё кубогида муваффақиятли қатнашди. Хусусан, академик эшак эшиш бўйича миллий терма жамоамиз вакиллари жаҳон ва Осиё миқёсидаги 5 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 4 олтин, 2 кумуш ва 2 бронза медалга сазовор бўлди. Слаломда эшак эшиш бўйича 3 та халқаро мусобақада 5 олтин, 5 кумуш ва 2 бронза медал қўлга киритилди. Параканоэчиларимиз халқаро беллашувларда 5 олтин ва 1 кумуш медал соҳибига айланди, жаҳон чемпионатида 1 кумуш (умумий ҳисобда 4-ўрин), жаҳон кубогининг 2—3-босқичларида 1 тадан кумуш ва Осиё чемпионатида 3 олтин медални қўлга киритди. Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича миллий терма жамоамиз Осиё чемпионатида энг яхши натижа (5 олтин, 3 кумуш, 4 бронза медал)ни қайд этди. Бу борада ёшлар терма жамоаларининг ҳам натижалари қувонарли бўлди.

— Жорий йилнинг 21—27 ноябрь кунлари Таиланднинг Паттайя шаҳрида параканоэ бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида спортчимиз Хайтмурод Шерқўзиёв Шахноза Мирзаева билан бирга 3 олтин медалга сазовор бўлди, — деди параканоэ бўйича миллий терма жамоа аъзоси Азизбек Абдулҳабиров. — Мусобақада дунёнинг кўплаб мамлакатидан моҳир параканоэчилар иштирок этгани эътиборлидир.

Матбуот анжуманида фаол спортчи ва мураббийлар хизмати алоҳида эътироф этилди.

Мухлиса ХУСАНОВА

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Халқ таълими вазирлиги мебеллар тўпламини харид қилиш учун танлов савдоларини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танлов номи: Раҳбар ҳодимлар учун мебеллар тўпламини харид қилиш.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи мазкур танлов савдоларига раҳбарлар учун мебеллар тўпламини ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчиларни таклиф этади.

Мебеллар тўпламининг номи, миқдори ва энг юқори нархи қуйидагилар:

Имзоланадиган шартномалар учун олдиндан тўлов маблағлари 15 фоиз миқдоридан тўлаб берилди.

Танлов савдоларига қўйилган лотлар бўлинмас бўлиб лот таркибидаги ҳар бир маҳсулотни алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда нарх таклифи бериш ёки лот таркибидаги маҳсулотларнинг айримларини тушириб қолдириб нарх таклифлари берилишига йўл қўйилмайди. Шу кўринишда тақдим қилинган таклифлар инobatта олинмайди.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар ўз так-

лифларини тақдим этишларида олдин тегишли лотлар бўйича маҳсулотлар техник талабларини вазирлик томонидан олишлари мумкин.

Тақдим этилаётган танлов таклифлари алоҳида ҳар бир лот кесимида ёпик ҳолда (муҳрланган конверт) расмий мурожаат хати билан бирга **2017 йил 9 декабр**га қадар Тошкент вақти билан соат **15:00 гача** Танлов комиссиясига қуйидаги манзилга тақдим этилиши лозим.

Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, телефон: (+99871) 239-89-84.

Белгиланган муддатдан кечиккан муурожаатлар инobatта олинмайди. Вазирлик Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар томонидан Танлов таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга жавобгар эмас.

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Раҳбар мебеллар тўплами (стол руководителя, стол приставка, тумба под телефон, тумба выкатная, шкаф книжный, шкаф для одежды, столик журнальный, стул для журнального столика)	тўплам	2	5 000 000	10 000 000
2	Раҳбар мебеллар тўплами (стол руководителя, стол приставка, тумба под телефон, тумба выкатная, шкаф книжный, шкаф для одежды)	тўплам	5	2 889 160	14 445 800
Жами:					24 445 800

ОБУНА ИНДЕКСИ:
1282

БОЛАЛАР АДАБИЙОТИ + CD

О'ZBEKISTON BOLALARI VA O'SMIRLARINING ADABIY-BADIIY JURNALI



**Болалар учун
овозли креатив журнал!
Обуна бўлинг!**

Муассис: Республика болалар кутубхонаси

www.odob.uz +99894 647-28-23 @bolalar_adabiyoti

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Маъбулот тарқатувчилардан сўранг!

Boshlang'ich ta'lim



Jurnalga obuna bo'lsangiz:

- boshlang'ich ta'lim sohasida yurtimiz va jahondagi so'nggi yangiliklardan xabar topasiz;
- ilg'or ta'lim uslublarini, zamonaviy axborot texnologiyalarini darslarida qo'llayotgan boshlang'ich sinf o'qituvchilarining qiziqarli metodik va amaliy tajribalari bilan tanishasiz;
- pedagogik mahoratingizni takomillashtirish maqsadida mutaxassislar tavsiyalari va boshqa qimmatli ma'lumotlar orqali malakangizni oshirasiz hamda pedagogik xazinangizni boyitasiz;
- jurnal sahifalarida o'zingizning metodik materiallaringiz bilan ishtirok etish, boshlang'ich ta'lim sohasidagi kompetent shaxslarning munosabatini bilish imkoniyatiga ega bo'lasiz.



**Hurmatli mushtariy! 2018- yil uchun
obuna mavsumi davom etmoqda.**

Obuna bo'lishga shoshiling!

Yakka tartibdagi obunachilar uchun nashr indeksi: **802**
Korxonalar va tashkilotlar uchun nashr indeksi: **803**

Manzil: 100000, Toshkent sh. Matbuotchilar-32.
Tel.: (0-371)233-72-28, 236-74-23.
E-mail: talim-uz@xtv.uz/Veb-sayt: bt-jurnal.uz

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. F-1215. Tiraj 32450.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 22.50 Topshirildi — 00.10

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Hasan MO'MINOV.
Navbatchi:
Dilmurod DO'STBEKOV.

12 0 56